

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
Самарқанд давлат университети

Қўлёзма ҳуқукида
УДК:

Шахобов Камолиддин Билолдинович

ҲОЗИРГИ ПРОЗАДА ЎТИШ ДАВРИ
КИШИЛАРИ РУҲИЯТИ ТАҲЛИЛИ

Ихтисослиги: 5A220100-“Филология”

Адабиётшунослик бўйича магистр даражасини олиш учун
магистрлик диссертацияси

Илмий раҳбар: доц. У.Қобилов

Иш кўриб чиқилди ва ҳимояга
тавсия этилди ____доц.Б.Раҳмонов
“Ўзбек адабиёти” кафедраси
мудири ____доц.МирзаеваС

Самарқанд - 2010

КИРИШ

Жамият-бу инсонлар мажмуидир. Кундан-кунга тараққиёт сари юз тутаётган бугунги жамиятимизнинг улкан ютуқлари, маънавий салоҳияти кўп жиҳатдан ана шу инсонлар ўртасида юзага келадиган ўзаро муносабатлар табиатига, улар амалга оширадиган мураккаб ижтимоий ҳамкорлик фаолиятининг мазмунига боғлиқдир.

Дарҳақиқат, бугунги кун кишисининг ҳар бир ҳаракати, мақсаду ғоялари бевосита жамият ҳаёти билан чамбарчас боғланади. Инсон бу ҳаётда яшар экан, албатта, у бирон-бир мақсадга интилиб яшайди. Жамиятда ўзига хос ўрни бўлишини, мустақил мавқега эга бўлишни истайди.

Инсонлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни ҳамда ҳар бир шахснинг жамиятда тутган ўрни ва унинг турлича ижтимоий муносабатлари табиатини ўрганувчи бир қатор ижтимоий фанлар мавжуд бўлиб, уларнинг орасида ижтимоий психология алоҳида ўрин тутди.

Умумий ҳолда ижтимоий психология-одамларнинг жамият билан боғлиқ бўлган ҳамкорликдаги фаолиятлари жараёнида уларда ҳосил бўладиган тасаввурлар, фикрлар, эътиқодлар, ғоялар, ҳис-туйғулар, кечинмалар, турли хулқ-атвор шакллари тушунтириб берувчи фандир.¹

Бундан келиб чиқадики, ижтимоий психологиянинг асосий вазифаси ҳам жамиятнинг ижтимоий меъёрларига риоя қилган ҳолда ҳар бир шахс ўзига ўхшаш шахслар билан ўрнатадиган мураккаб ўзаро муносабатлари ва уларнинг таъсирида ҳосил бўладиган ҳодисаларнинг психологик табиатини ва қонуниятларини тушунтириб беришдир.

Аввало, ҳар қайси фан фан ҳисобланиши учун, албатта, унинг ўз предмети, мақсад ва вазифаси, методологияси бўлиши зарур. Аслини олганда, бугунги кундаги фанларнинг ҳар қайсиси мумтоз фан саналмиш фалсафа таркибидан келиб чиққан ва ажралган. Шундай экан, қайси бир фанни олмайлик унда бошқа фанлар билан ўхшаш ва фарқли жиҳатлар билан бирга, бир-бирини тўлдирувчи, айнаи вақтда тақозо этувчи муайян алоқа чизиқлари ҳам мавжуд бўлади. Юқорида фикр юритганимиз, ижтимоий психология фани ҳам, умуман олганда, инсон ва унинг руҳияти ранго-рангликларини ўргангани ҳолда, адабиётшунослик фанининг объекти ҳисобланган инсон ва уни тадқиқ этиш йўналишида бир-бирига мос келади.

Цивилизациямизнинг жуда қадимги даврлариданоқ табиат ва жамият ҳақидаги тасаввурлар, тушунчалар шаклланиб келган. Бироқ, XVII-XVIII асрларга келиб, немис

¹ Каримова В. Ижтимоий психология асослари. Т., 1994.

файласуф олими Иммануэл Кант биринчилардан бўлиб иккита соҳани бир-биридан ажратди: 1. Табиат соҳаси. 2. Жамият-маданият соҳаси. Унинг фикрига кўра, бизни куршаб турган табиат табиий қонуниятлар асосида ривожланади, жамият эса, яъни маданият-инсон томонидан яратилган моддий ва маънавий қадриятлар йиғиндиси, деб ҳисоблайди. Инсон маънавий маҳлуқ бўлгани ва эркинликка, озодликка, ўз иродасига эга бўлгани учун ҳам ўзининг турмушини ўзи ярата бошлайди, натижада эса, маданият юзага келади. Кант юқоридаги икки соҳани ўзига хос, алоҳида қонуниятлар билан ўрганиш мумкин, дейди¹. Кейинроқ, худди шу ғояни Кантнинг замондоши бўлган файласуф Гегель ҳам ривожлантириб, табиатда айланма ҳаракат бор, дейди. Унинг таъкидлашича, фақат жамиятгина, янгиланиши, ривожланиши мумкин. Табиат эса, доимий қонуниятлар асосида айланади. Ижтимоий-гуманитар фанларнинг ажралиши, алоҳида ўрганилишига асосий нукта ҳам айтиш мумкин, табиат ва жамият соҳасининг айри ҳолда ўрганилишига асосланган принцип эди.

Модомики, ўзгаришлар, янгиланиш, ривожланиш фақатгина жамиятга хос хусусият экан, албатта, жамиятнинг бир қисми ҳисобланган инсон-шахс ҳам бевосита ўзгарувчан табиатга эга эканлиги аён.

Ижтимоий онг- объектив олам ва ижтимоий борлиқнинг кишилар онгидаги инъикоси. Ижтимоий онгнинг ранг-баранг шакллари мавжуд: сиёсат, ҳуқуқ, ахлоқ, дин, фалсафа, адабиёт ва ҳоказо. Хусусан, ижтимоий онг шакллари ўз объекти ва инъикос шаклига, ижтимоий вазифалари ва тараққиёт қонунларининг ўзига хос хусусиятларига қараб бир-биридан фарқланади. Илмий ва бадиий тафаккур объектив оламни идрок қилиш, ўзлаштиришнинг турли шакллари дир. Фан ва санъат маънавий маданиятнинг алоҳида турларидандир.

Санъат фандан фарқли ўлароқ ижтимоий ҳаётни образлар воситасида ифодалайди. Гегель таъкидлаганидек, санъат образлар воситасида фикрлаш, демакдир.

Ҳаётни образлар орқали акс эттириш жиҳатидан санъат турлари ўртасида умумийлик, ўхшашлик, муштараклик мавжуд бўлсада, образ яратиш жараёнида санъатнинг ҳар бир тури унинг ўзигагина хос бўлган ифода воситаларидан фойдаланади. Бундай ифода воситалари одатда санъат турларининг “ўз тили” дейилади.

Адабиётда тил, композиция, оҳанг, ритм кабилар орқали бадиий образ яратилади. Шу сабабга кўра, бу воситаларнинг жами бадиий адабиётнинг “тили” дир.

Бадиий адабиёт санъатнинг бошқа турларига нисбатан тасвир имконияти ва синтетик характери билан ажралиб туради. Масалан, уни рассомлик санъати билан қиёсласак, рассомлик ёки ҳайкалтарошлик кишиларнинг ички кечинмаларини,

¹ Кант И. Философия. М., Наука, 1965 г.

характерини одамлар билан бўлган муомала-муносабатларининг бир зумини турли-туман ташқи ҳаракатлар воситасида ифода эта олади. Бу борада бадиий адабиётнинг имкониятлари кенг, ниҳоятда катта: адабий-бадиий асарда қаҳрамоннинг ташқи кўриниши, ички кечинмалари, у яшаган муҳит, инсоннинг ботиний ва зоҳирий жиҳатлари-ўйлари, ҳис-туйғулари, орзу-интилишлари муфассал ифодаланади.

Инсон руҳияти жуда кенг олам бўлиб, ундаги ҳиссиёт ва туйғулар ҳам англаб бўлмас даражада чексиздир. Худди шу ҳис-туйғулар инсонда икки хил шаклда ўз ифодасини топади: биринчиси англаб, маълум мантиққа эга бўлган, ташқи дунёга нисбатан ўзининг қатъий хулоса ва йўналишига эга бўлган туйғулар. Бу туйғу инсоннинг жамиятга, одамларга, атроф-муҳитга муносабати ва булар ҳақидаги маълум тушунчага эга бўлган қарашларни ифода этади. Буларнинг ҳаммасини онг синтез қилиб беради, яъни онг бевосита иштирок этади. Иккинчиси, онг ости ҳислари, онгга қалқиб чиқмаган, лекин инсон руҳиятида доимо мавжуд бўлган, объектив олам билан тинимсиз алоқага киришиб турувчи ҳислар. Бу каби ҳислар инсон руҳиятининг асосини ташкил этади. Гарчи биз бирор ишни қилганда, гапираётганимизда, ўзимизни тутишимиз, ҳолатларимиз бизга англаб, маълум бўлган ва худди бирор мантиққа бўйсунгандай бўлиб туюлса-да, аммо, шу ҳисларни юзага чиқарувчи, шу тушунчаларга туртки берувчи асосий нарса-онг ости ҳисларидир. Инсон руҳиятида онгли фаолият, онгли ҳислардан кўра англабмаган ҳислар кўлам жиҳатидан чексиздир. Масалан, биз олдимиздан ўтиб кетган мушукни пайқамай қолсак-да, онг ости ҳислари уни ўзига қабул қилади ва маълум вақтдан сўнг уни ўзи қабул қилган рамзлар орқали тушимизга узатади. Шунинг учун ҳам тушимиз бизга ҳамиша ғайритабиий туюлади. Тушдаги воқеа, ҳодиса, ҳолат ёки образ айнан онг ости ҳисларининг ташқи дунёни қабул қилиш рамзлари бўлиб, одам онгли фаолиятдан тўхтаган, яъни уйку пайтида бу ҳислар инсон миясига ўзи қабул қилган рамзларни тарқата бошлайди.

Бугунги ахборотлар оқими тезлашган, санъатнинг барча шакллари муайян тараққиётга эришган ва эришаётган жадал замонда инсон шахси, унинг маънавий қиёфаси, руҳиятининг бутун мураккабликлари-ю, зиддиятлари, умуман олганда, инсон ва у билан боғлиқ бўлган воқеа ва ҳодисаларни мукаммал тасвирлаб беришда адабиётга ҳеч бир қиёс йўқ. Бу, айтиш мумкин. Қандай давр бўлмасин, қай бир ижтимоий тузум жамиятда ҳоким бўлмасин, адабиётнинг мавқеи, аҳамияти заррача бўлса-да, тушган эмас.

Фуқаролик ва ҳуқуқий-демократик жамият куриш йўлида тинмай кураш олиб бораётган ўзбек халқининг дилидаги орзу-умидларини, ҳис-туйғулари, кечинмалари, минг йиллар давомида сақланиб келаётган маънавий қадриятлари, урф-одатларини тўлақонли акс эттиришда бошқа санъат турларига нисбатан адабиётнинг имкониятлари катта.

Бинобарин, биз қамраб олаётган ва таҳлилга тортаётганимиз “Ҳозирги прозада ўтиш даври кишилари руҳияти таҳлили” масаласини кўриб чиқишда ҳам адабиётнинг айнан ўша имкониятларидан анча яхши даражада фойдаланилган ҳолда яратилган бир қатор бадиий асарларга мурожаат қиламиз.

Бу ишда муаммонинг бир неча томонларини белгилаб олишимиз зарур бўлади. Биринчи масала ҳозирги адабий жараёнда ўтиш даври тушунчаси, ўтиш даврида яратилган ўзбек насрининг ўзига хос хусусиятлари бўлса, иккинчи масала қамровга олинаётган муайян ижодкорлар ва улар яратган бир қатор насрий асарларни таҳлил ва тадқиқ этиш масаласидир.

Тадқиқот ишининг умумий тавсифи. Адабиёт-сўз санъати. Дарҳақиқат, адабиёт буюк қудрат, гўзал ва нафис санъатдир. XX аср ўзбек адабиёти ўзига хос анъаналар, бадиий тафаккур шакли, мукаммал адабий-бадиий асарлар салмоғи билан адабий жараёнда муҳим ўрин тутди. Юртимиз мустақиллиги қўлга киритилгач эса, адабиётда ҳам эркин фикрга, бадиий тафаккур тадрижи тараққиётига кенг йўл очилди. Жумладан, Президентимиз: “Мустақилликка эришганимиздан сўнг биз сохта мафкуранинг якка ҳокимлигидан қутулдик. Маънавиятни, мафкурани зуғумлардан озод қилиб, эркин фикрга, миллий тафаккурга йўл очдик”,¹ -деган эдилар.

Ҳақиқатдан ҳам мустақиллик йилларида ўзбек миллий адабиётида жиддий ўзгаришлар юз берди. Жаҳон адабиётида мавжуд бўлган илғор анъаналарни ўзида мужассам этган ва ўзига хос тафаккур шаклига, овозига эга бўлган ўзбек адабиёти шаклланди. Жумладан, адабиётимизда турли хил йўналишга, янгича услуб ва талқинга хос бўлган адабий-бадиий асарларнинг салмоғи ортиб борди. Бу ҳодисанинг пайдо бўлиш асослари айнан ўтиш даври йиллари, яъни ўтган асримизнинг 80-90 йиллари адабиётига, ўша даврнинг ижтимоий муҳитига боғланади. Аниқроқ қилиб айтганда, ижтимоий ҳаётда “мафкура” етакчи бўлган, одамлар онига фақатгина “социалистик мафкура” сингдирилган бир даврда худди ана шу тузумнинг “ичидан кетгани”-мўртлиги, жамиятнинг аста-секин емирилиб бораётгани, таназзули сабабларини турли тоифага мансуб бўлган “совет кишилари”-инсонларнинг турли тақдирларини ёритиб бериш асосидаги бадиий адабиёт шаклланди. Ҳар бир давр ўз-ўзидан адабиётга муайян таъсир этишини ҳисобга олсак, 80-йиллар охири, 90-йиллар бошларида ўша даврнинг ижтимоий муҳити адабиётда инсон образининг янгича талқинлари пайдо бўлиши учун асос бўлди.

Профессор Умарали Норматов XX аср адабиётидаги кейинги ўзгаришларга баҳо бераётиб, шундай деган эди: “Инсон, шахс жумбоғи, бу жумбоқни ечишга интилиш, инсон

¹ Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий истиқболларининг асосий тамойиллари. Халқ сўзи, -1995, -24 февр.

ҳаёти ва моҳиятини англашга, шахс табиати ва руҳиятини тафтиш ва таҳлил қилишга интилиш-романнинг, умуман, бадиий адабиётнинг бош вазифаси. XX аср давомида роман шакли, ифода усуллари жуда кўп ўзгаришларга дуч келса-да, инсон талқини узоқ вақт ўзгаришсиз қолиб келди. Фақат аср сўнгига келибгина ижодкор инсонни англаш бобида яқка ҳоким дунёқараш, мафкура тазйиқларидан қутулди, шахсни турли фалсафий-эстетик қарашлар нуқтаи-назаридан бадиий талқин қилиш имконига эга бўлди.”¹

Ўтиш даври прозасида янгича услуб ва талқинга эга бўлган бир қатор насрий асарлар пайдо бўлдики, адабий жараёнда бу янги ҳодиса даражасига кўтарилди. Жумладан, адабиётшунос олим Умарали Норматов шундай дейди: “ 80-йиллар охирига келиб аср одамлари умри ва фаолиятининг бемаънилигини ўзига хос тарзда дадил ва яққол акс эттирувчи бир роман дунё юзини кўрди. Бу Мурод Муҳаммад Дўстнинг “Лолазор”идир. “Лолазор” орқали ўзбек романчилиги, қолаверса, миллий адабиётимизга абсурд туйғуси ва ғояси кириб келди. Роман бутун умри пуч ғоялар асосида юртни лолазорга-бўстонга айлантириш орзусида ўтган одамнинг, адашган, алданган кишиларнинг аянчли қисмати ҳақида баҳс этади. Истиқлолдан анча бурун роман муаллифи ўз қаҳрамонлари таянган ақидалар абсурд-маънисиз, ўлимга маҳкум эканини фавқулодда бир маҳорат билан очади; бутун бошли йирик роман саҳифаларида мавж уриб турган ажиб бир поэтик оҳанг-киноя-кесатиклар орқали ўзининг бадиий ҳукмини ўқийди.

“Лолазор”да намоён бўлган абсурд туйғуси ва ғояси 80-йиллар бошларида биринкетин эълон этилган эпик асарлар-Ў.Ҳошимовнинг “Тушда кечган умрлар”, Ш.Холмирзаевнинг “Олабўжи”, Т.Муроднинг “Отамдан қолган далалар”, О.Ёкубовнинг “Адолат манзили” ва нихоят О.Мухторнинг “Минг бир қиёфа”дан бошланган янги туркум романларида турли-туман кўринишларда изчил давом этди.”¹

Давр адабиётининг нозик ўзгаришлари ва янгиланишларини бунчалик тартибли ва изчил баҳолашда адабиётшунос олим Умарали Норматовнинг фикрлари бетакрордир.

XX аср ўзбек адабиёти, хусусан, ўтиш даври прозасидаги бунга ўхшаш янгича услуб, янгича талқинда дунёга келган бадиият ҳодисаларини оддий китобхондан тортиб, адабиётшунос олимлар, танқидчилар ҳам бирдай тан олмоқда.

Мавзунинг долзарблиги. Магистрлик диссертациясига асос қилиб олинган “Ҳозирги прозада ўтиш даври кишилари руҳияти таҳлили” мавзуси доирасида ҳали айтарли даражадаги тадқиқотлар олиб борилмаган. Тўғри, ўтиш даври қиссалари, ўтиш даврида яратилган бир қатор романлар жанр, услуб ва бошқа жиҳатлардан адабиётшунос олимлар, танқидчилар, ёш тадқиқотчилар илмий изланишлар қилишган. Лекин, ўтиш

¹ Куронов Д. “Адабиёт надир” ёки Чўлпоннинг мангу саволи. Т., Зарқалам, 2006 й. 105-б.

¹ Куронов Д. “Адабиёт надир” ёки Чўлпоннинг мангу саволи.-Т., Зарқалам, 2006, 105-б.

даври ва бу давр кишилари руҳиятининг адабиётда акс этиши ҳақида у даражадаги ишлар кўзга ташланмайди. Шу боис, магистрлик диссертациясининг мавзуси илмий жиҳатдан долзарб муаммога қаратилган.

Мавзунинг ўрганилиш даражаси. Истиклолдан аввал ҳам ўзбек насри, ўзбек прозасида роман ва қиссалар, уларнинг жанр ва услуб хусусиятлари адабиётшунос олимлар томонидан ўрганилиб, тадқиқ этиб келинган. Таниқли адабиётшунос олимлар О.Шарафиддинов, М.Қўшжонов, У.Норматов, Н.Худойберганов, А.Расулов, Н.Каримов, И.Ғафуровлар ҳамиша адабий жараёнда пайдо бўлган янги асарларга ўз муносабатларини билдиришган. Қолаверса, прозада содир бўлаётган янгиликларни илмий жиҳатдан таҳлилу тадқиқ қилишган. Бироқ, биз ўрганмоқчи бўлаётган мавзу юзасидан айтарли даражада тадқиқот олиб борилмаган. Бунга сабаб, бугунги замонавий адабиёт бутунлай янгиланиш даврида турибди. Инсон образини руҳий таҳлил усулида ёритиш, янгича тасвир воситалари, талқинлар бунинг яққол белгиларидир. Юқоридаги фикрлардан келиб чиққан ҳолда, биз магистрлик диссертациясининг мақсад ва вазифаларини белгиладик.

Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари. Истиклолдан илгари, яъни 80-йиллар охири, 90-йиллар бошларида яратилган бир қатор насрий асарларни ўрганиш, уларни психологик таҳлил қилиш орқали қаҳрамонлар руҳиятини очиб беришдан иборат бўлади. Бунда асосий фикр ўтиш даври тушунчасига, ўтиш даврининг адабиётда акс этиши, бу даврда яратилган роман ва қиссалардаги шу давр кишилари руҳиятини белгилаб олишга, уларни бир-бирига қиёслаб беришга қаратилади.

Тадқиқот ишининг методологик асоси. Ўзбекистон Республикаси президенти И.А.Каримовнинг миллий истиклол ғояси, Ўзбекистоннинг янги йўли, бу йўлда амалга оширилаётган тадбирлар ҳақидаги бир қатор асарлари ва адабиётшунос олимлар О.Шарафиддинов, М.Қўшжонов, У.Норматов, Н.Худойберганов, А.Расулов, Н.Каримов, И.Ғафуровлар; тадқиқотчи ва ижодкорлар Х.Дўстмуҳаммедов, Ш.Бўтаев, О.Авазова, У.Ҳамдамовларнинг турли йилларда эълон қилинган мақолалари, рисола ва илмий тадқиқот ишлари магистрлик диссертациясининг методологик асоси бўлди.

Магистрлик диссертациясининг муҳокамаси. Магистрлик диссертациясига асос қилиб олинган “Ҳозирги прозада ўтиш даври кишилари руҳияти таҳлили” мавзуси факультет деканати ва “Ўзбек адабиёти” кафедраси томонидан муҳокамага қўйилган. Кафедра аъзолари иштирокидаги йиғилишда мавзу тасдиқланган. Магистрлик диссертациясининг қораламаси илмий раҳбар томонидан кўздан кечирилган ва қайта ишланиб, маъқулланган. Илмий раҳбар томонидан кўрсатилган ишдаги камчиликлар, эътирозлар ҳисобга олиниб, қайта ишлаб чиқилди ва тўлдирилди.

I боб. Ўткир Ҳошимовнинг “Тушда кечган умрлар” романида қаҳрамон руҳияти таҳлили

Бадиий асар- ижод маҳсули. Бадиий адабиётни ўқувчи-китобхон билан боғловчи коммуникация воситаси ҳисобланган бадиий асар ва унинг тадқиқи масаласи адабиётшуносликнинг доимий равишдаги долзарб, етакчи масалаларидан биридир. Ҳар қандай бадиий асар, у қайси бир жанрга мансуб бўлмасин, қандай ўлчамларда бўлмасин, хоҳ назм йўлида, хоҳ насрий йўл билан ёзилган бўлмасин, барибир, у ҳақиқий бадиият ходисаси бўлолмайди, қачонки, ёзувчи- ижодкор ва ўқувчи ўртасида бевосита ижодий-руҳий мулоқот бўлмаса. Бадиий асарнинг, умуман олганда, бадиий адабиётнинг энг характерли хусусиятларидан бири шундаки, унда инсон руҳий олами бутун мураккабликлари, зиддиятлари, бутун сеҳри билан акс эттирилсагина ўқувчи диққатини ўзига жалб эта олади.

Бадиий адабиётда психологик-руҳий тасвирнинг ўрни бениҳоя каттадир. Ёзма адабиётда психологик-руҳий тасвир тушунчаси остида адабий қаҳрамонларнинг руҳий олами, ички дунёси, орзу-ўйлари, кечинмалари, кайфиятлари ҳамда интилишларини юксак бадиийлик асосида тасвирлаш санъати ётади. Унинг моҳиятини эса, қаҳрамон характериға хос хислатларнинг, руҳий оламининг қай ҳолда, қай вазиятда очилиши белгилайди. Ёзма адабиётда психологик тасвир анчагина чуқур ва кўп қирралидир, яъни унда, нафақат руҳий-психологик тасвир, балки руҳий таҳлил ҳукмронлик қилиш даражасига етади. Руҳий таҳлил кучли бўлган адабий-бадиий асарларда ҳар бир деталь, хатти-ҳаракат, эпизод, ҳар бир воқеа у ёки бу қаҳрамоннинг ички-руҳий оламини очишға бўйсундирилади.

Ҳар қандай адабий-бадиий асар билан ўқувчи танишар экан, унинг олдида энг биринчи ва асосий вазифа-бадиий асарни тушуниш масаласи кўндаланг бўлади. Асарни тушуниш учун эса, ўқувчи уни ўқиш асносида муайян қоидалар, қонуниятлар асосида иш кўриши зарур бўлади. Бу қонуниятлар асарға тегишли бўлган ва у билан боғлиқ бўлган, тушуниш масаласини осонлаштирувчи бир қатор омиллардир. Бу омиллардан бири, бадиий асарнинг руҳиятиға кира олиш, унинг руҳий оламини, қаҳрамонларнинг характерлари, ички кечинмалари, ўй-хаёллари, руҳий дунёсини англаш, демакдир. Бадиий асардаги ҳар бир характер, хатти-ҳаракатлар, деталлар, воқеалар ривож, эпизодлар орқали асар руҳияти англашилади. Бу, нисбий тушунча. Чунки, бадиий асар руҳиятини фақат юқоридаги воситалар орқалигина тушуниш мумкин, деган ҳукм нотўғри. Бирок, бу нарсалар асарни тўлароқ тушунишда восита ролини ўйнайди, холос.

Бадиий асарни тўлалигича намоён бўлиши учун қаҳрамон ва унинг руҳияти масаласи биринчи ўриндаги масалалардан бири ҳисобланади.

Ўзбек адабиётининг XX аср даври ўзининг бир неча хусусиятлари: ютуқ-камчиликлари, янгиликлари ва ўзига хос кашфиётлари билан ғоят ранг-барангдир. Хусусан, асримиз бошларида маърифатпарварлик ғояларини ифода этувчи бадиий асарларнинг майдонга келиши, 30-йилларда “қизил империя” идеалларини ифодаловчи, уруш давридаги жанговарлик, ватанпарварлик руҳияти сингдирилган асарларни яратиш ва ниҳоят 50-80-йиллардаги “социалистик реализм методи”га асосланган асарларнинг пайдо бўлиши у ёки бу маънода адабиётимизнинг бир қисmlари эканлигини ҳисобга олсак, 80-йиллар охири, 90-йиллар бошларида яратилган бир туркум бадиий асарларда ҳар томонлама ўзгаришлар юз берганини кўрамиз. Бу ўзгариш, табиий, эди. Чунки, бирон бир янгилик ҳисобланган воқеа, йўналиш, услуб, тузум йиллар ўтиб ўтмишга айланиши ва бугунги давр қолипларига сиғмай қолиши қонуният мақомидаги ҳодисадир. Айнан шу давр оралиғида жамиятнинг ижтимоий ҳаётида ҳам муайян силкинишлар, таназзул эпкинлари эсаётган, айнаи дамда, бутун жамият янгиланишга катта эҳтиёж туяётган палла эди. Бу эса, албатта, жамиятнинг аъзолари бўлмиш инсонлар қалбида, руҳида маънавий тозаришга бўлган эҳтиёжни уйғотган эди. Биз худди ана шу даврни олдик-да, уни “ўтиш даври” деб белгиладик. Бизга маълумки, адабиёт жамият билан чамбарчас боғланган ҳолда яшайди, чунки, у инсоншунослик фани ҳисобланади. Шу маънода жамиятда юз бераётган ўзгаришлар, янгиланишлар инсонлар руҳиятига бевосита таъсир этмасдан қолмайди.

XX аср адабиётидаги жиддий ўзгаришларни фақат мазмун, ғоя ёки реалистик методлардагина эмас, балки муайян жанрларга хос бадиий асарларда ҳам кўришимиз мумкин. Бундай асарларнинг илк намуналарини янги ўзбек адабиёти дарғалари ҳисобланган Абдулла Қодирий, Абдулҳамид Чўлпон, Абдулла Қаҳҳор каби забардаст ёзувчиларимиз яратди. Кенг кўламли бу жанрлардаги асарларни шакл ва мазмун жиҳатдан такомиллашишида Ойбек, Асқад Мухтор, Ҳамид Ғулом, Саид Аҳмад, Одил Ёкубов, Пиримқул Қодиров сингари адибларимизнинг хизматларини алоҳида таъкидлаш жоиз. Жумладан, Ўткир Ҳошимов ҳам миллий тафаккурга, бадиий тафаккур тараққиётига ўзининг бир қатор бадиий юксак қисса ва романлари орқали самарали ҳисса қўшди.

Ўткир Ҳошимовнинг “Гунафша”, “Шамол эсаверади”, “Қалбингга кулоқ сол”, “Одамлар нима деркин” каби қиссалари ижодининг илк босқичида яратилган бўлиб, бу қиссалар ёшлар ҳаётига бағишланган. Шундай қилиб, муаллиф, бу қиссаларида инсон эрки, уни эъзозлаш, меҳр-муҳаббат туйғуларининг муқаддаслиги каби даврнинг муҳим

муаммоларини кўтарган. Адибнинг услубига хос фазилатлар қиссадан қиссага кучайиб боради.

Ўткир Ҳошимов бошқа ёзувчилар сингари ҳикоя ва қиссалар ёзиб, қаламини анча қайраб олгач, сўнг роман жанрига мурожаат қилди. 1971-йилда илк романи “Нур борки, соя бор” босилиб чиқди. Кейинроқ эса, кўпчилик китобхонлар ва умуман адабий жамоатчилик томонидан яхши кутиб олинган асарлари “Дунёнинг ишлари” қиссаси, “Икки эшик ораси” ҳамда “Тушда кечган умрлар” романлари дунё юзини кўрди.

Ўткир Ҳошимовнинг шуҳратига шуҳрат қўшган ва биз юқорида таъкидлаганимиз, адабиётимизда ҳам янги ҳодиса даражасига кўтарила олган романи шубҳасиз, “Тушда кечган умрлар” романидир. Бу асар 1992-йили ёзилган бўлиб, муаллифнинг тинимсиз изланишлар йўлидан кетаётганидан, унинг қалами муттасил ўткирлашиб бораётганидан далолат беради. Асар теран бир дард билан ёзилган. Унда муаллифнинг ҳаётдаги қарашлари янада чуқурлашганини кўрамиз. У ўз кузатишларидан ғоят ибратли ва ҳаққоний умумлашмалар чиқаради, инсон руҳий дунёсига теранроқ кириб боради.

Биз кўриб чиқмоқчи бўлаётганимиз, Ўткир Ҳошимовнинг “Тушда кечган умрлар” романининг воқеалари куз тасвирини бериш орқали бошланади. Эътибор қилинса, ижодкорнинг бадиий маҳорати шунда кўринадик, воқеаларни “...куз ўлим тўшагида ётган беморга ўхшайди...” ташбеҳи билан бошлаб, ўқувчини кейинроқда юз берадиган фожеий вазиятга руҳий жиҳатдан тайёрлаб олади

Куз кунларининг бирида, айти тонг-сахар паллада, кўп қаватли уй ертўласининг зинасида бир одамнинг жасади топилади. Асар тугуни шу жойдан бошланади. Сюжет воқеаларининг ўзига хос тарзда тартибланиши асарнинг бадиий қувватини янада оширади. Даставвал, Рустамнинг охириги кундалигидан лавҳалар келтирилса, тугун қўйилиши биланоқ бош қаҳрамон ва у билан боғлиқ бўлган воқеалар, унинг яқинлари ва улар билан кечган воқеа-ҳодисалар бирма-бир тасвирлана бошлайди. Воқеалар ривожини айнан ўқувчи истаган бир меъёрга кечади.

Асарни мутолаа қилар экансан, Афғон урушидан эндиgina қайтган, севган қизига уйланган, ҳаётдан ҳали орзу-умидлари бисёр бўлган мард йигитнинг ким томонидан ўлдирилганлиги, нима сабабдан унинг бу ҳолга тушгани ҳақида ўйлай бошлайсан. Миянгда ўша саволлар такрор-такрор айланаверади.

Адиб секин-аста Рустам ҳаётини кўз ўнгимизда гавдалантириб берар экан, биз унинг турмуши одам боласи чидаши мумкин бўлмаган тарзда оғир кечганини ҳис қиламиз. “Тақдирни қўл билан яратур инсон” деган ҳикматли гап бор. Бироқ, Рустам ўз

тақдирини ўзи яратишга улгурмайди, ҳолбуки, у униб-ўсган муҳит, давр, у яшаган тузум Рустамни бутунлай ўзига бўйсундириб олади.

Асарни яхшироқ англашимиз учун ундаги қаҳрамонларни бир-бири билан боғлиқ ҳолда таҳлил этишимизга тўғри келади. Бунда бизга, бу асар қаҳрамонларининг тақдири бир-бирига чамбарчас боғланганлиги, улар руҳий дунёсининг ўзаро уйғунлиги, яқинлиги кўл келади.

Дарҳақиқат асарда Рустам, Қурбоной, Комиссар, Санжар, Шаҳноза, Гриша каби қаҳрамонларнинг тақдири бир ипга чизилгандек, гўё.

Муаллиф ҳаёт ҳақида нимаики демоқчи бўлса, шунинг ҳаммаси пировардида бадиий асарда тасвирланган инсонлар-қаҳрамонларнинг муайян шароити, хулқ-атвори, психологияси, хатти-ҳаракатлари, ўй-хаёлларида ўз аксини топади.

Ўткир Ҳошимовнинг бадиий нияти ҳам ўтиш даври, яъни асримизнинг 80-90-йиллари ҳаётини Рустам, Шаҳноза, Комиссар, Қурбоной ва бошқа образларнинг тақдирлари, афғон урушининг аянчли оқибатлари, “Ўзбек иши” туфайли минглаб ҳалол, меҳнаткаш кишилар тухматлар бўронида қолиб, порахўрликда ёки пора беришда айбланганликлари, инсон эркини бўғувчи, шахсиятини поймол қилувчи, барча ҳуқуқларидан мосуво этувчи жамият миллионлаб кишилар бошига ҳам руҳий, ҳам жисмоний кийноқлар солганини ҳаққоний суратда кўрсатишга қаратилади.

Ёзувчи асарда бевосита асарнинг номланиши билан боғлиқ ҳолда туш мотивларидан жуда унумли, ўз ўрнида фойдалана олган. У бўлғуси воқеаларни тафсилотлари билан айтмайди, балки шу жойда туш эпизодларидан фойдаланади. Рустам кўрган туши орқали ўқувчи унинг отаси ноҳақ айбланаётганлигини англаб етади.

“Хосиятсиз туш кўрдим. Отам ҳовлидаги сўрида ётганмиш. Тагида кўрпача ҳам йўқ, куруқ тахта устида ётибди (қамокхоналардаги каби-К.Ш). Дада кўрпача солиб берай десам, индамайди. Нукул йиғлайди. Дадамнинг йиғлашини ҳеч кўрган эмасдим. Кўрқиб кетибман. Ёнига югуриб борсам, дадам ғойиб бўлиб қопти”.¹

Шу ўринда яна бир туш эпизодига диққатимизни жалб қилсак:

“Иланг-биланг йўл эмиш. Бир томон қумли чўл. Бир томон- “зелёнка”. “Зелёнка”дан ўқ отилаётганмиш. Қизиқ, автомат товуши келмасмиш-да, ёнимдан хуштак чалиб ўтаётган ўқлар овозини аниқ эшитармишман. “Зелёнка”га отай десам, автоматим йўқ. Қочай десам, пана жой кўринмайди. Бир бўйимча ўзимни ерга отибман... Бир маҳал катта йўлдан БМП елиб келди. Қарасам, ёнимдан шитоб билан ўтиб кетяпти. “Олиб кетинглар, мени олиб кетинглар!” дедим сапчиб туриб. БМП тўхтамади. “Обкет! –дедим

¹ Ҳошимов Ў. Сайланма: 2 жилдлик. 1-ж. Т.: “Шарк”, 1998, 497-б.

бақириб.-Обкет мени!” БМП тўхтади. Етиб борсам, Хайридин кўл чўзиб турибди. “Чикинг жўра, чикинг тезроқ!” деди. БМП га тортиб чиқарди”.²

Ўзбек халқида ўлган одам бирор нарса олиб кетса ёки бирор кишини етаклаб кетса, у ҳам ўлади, деган туш таъбири бор. Юқорида берилган туш орқали Рустамнинг ўлиши аниқ айтилмаса-да, бунга ишора бериб кетилади. Рустамнинг ўлиши Шаҳнозанинг тушида ҳам аён бўлади. У Рустам ўлган кундан бир кун аввал оилавий можаро туфайли аясиникига кетиб қолади. Шу куни у туш кўради.

“Дарё эмиш... Йўқ, дарёмас, анҳормиш. Гагарин боғидаги анҳор. Ўзимизнинг скамейкада, ўзимизнинг наъматак тагида ўтирган эмишман. Қарасам, сувнинг у бетида Рустам акам турибдилар. Кулиб турибдилар, кел, деб имлармишлар. “Сузишни билмайман-ку!” десам, кийимларини ечмай, анҳорга калла ташлабдилар... Мундай қарасам... Қарасам...

-Қарасам, анҳорда сув эмас, сув эмас... қон оқаётганмиш... Рустам ака қон ичида оқиб кетибдилар...”¹

Асар бош қаҳрамонлари Рустам, Комиссар, Қурбонойлардир. Бу учлик-образлар асарнинг ғоявий концепциясини аниқлашда муҳим аҳамиятга эга.

Комиссар образи мураккаб образлардан биридир. Унинг мураккаблиги шундаки, ҳаракатларини, фаолиятини оқлаб ҳам, қоралаб ҳам бўлмайди. Назаримда, у, совет даврининг рамзий ифодасига ўхшайди. Асарни ўқиш давомида, кўпроқ, унинг салбий хусусиятлари кўзга ташланса-да, биз уни бутунлай инкор эта олмаймиз.

Давр, ижтимоий муҳит шундай эдики, ҳаттоки, таърифлаб бериш мушкул бўлган даражада, кишилар эътиқоди “догма” ҳолатига келтирилган эди. Комиссар ҳам ана шундай эътиқоди қотган, ўзи учун қатъий нормаларни яратиб олган-“принципиал” кимса эди. Унинг руҳият оламига, психологик ва маънавий қиёфасига назар ташлайдиган бўлсак, ўзгалар фикрини тан олмайдиган, ўз фикрида “собит”, ўзини жамиятнинг энг керакли устунни, яъни уни “ёт унсур” лардан тозаловчи киши деб билувчи кимса эканини билиб оламиз. У ҳеч кимга ишонмайди, ҳаттоки фарзандлари, хотини, яқинларига ҳам. Ёзувчи унинг бу қиёфасини секин-асталик билан далиллаб боради. Биринчи далил унинг тергов хужжатидан келтирилган биографиясида кўринади.

“Ғаниев Соат Ғаниевич. Етмиш беш ёшда. Иттифоқ микёсидаги пенсионер. Миллати-йўқ. Сўққабош. Аввал судланмаган. Қатортол мавзеи, 40-уй, 41-хонадонда

² Ўша асар. 607-б.

¹ Ҳошимов Ў. Сайланма: 2 жилдлик. 1-ж. Т.; “Шарқ”, 1998, 646-647-б.

истиқомат қилади. 1941 йилдан бери партия аъзоси. Қизил Юлдуз, Жанговар Қизил Байроқ орденлари, олтин медал нишондори”.¹

Мана шу таржимаи ҳолда кўринадик, унинг ҳеч қайси миллатга мансуб эмаслиги (бўлиши мумкин эмас-К.Ш) ва Совет ҳукумати олдидаги “бекиёс” хизматлари айтилади.

-Саволни мен...

-Йиғиштиринг демагогияни! Сўроқ қилишни билмас экансиз. Умуман системангиз айниб кетган. Тартиб йўқ. Тартиб бўлса, Шоматовни органга ишга олмас эдингиз.

-Кечирасиз гражданин... ўртоқ Комиссар... Бу гапларни сиз қаёқдан биласиз?

-Мен ҳамма нарсани биламан. Бу соҳада иш бошлаганимда сизнинг отангиз ҳам туғилмаган эди.²

Ҳа, унинг ҳамма нарсадан хабардор бўлиб туриши ўзи ва жамият учун энг зарур ҳол эди.

“Баъзилар орган деганда нукул жазо берувчи ташкилотни тушунади. Унақа эмас. Орган жамиятни ёт унсурлардан ҳимоя қилади. Шундай экан, унинг қўлигина эмас, “қулоғи” ҳам яхши ишлаши шарт. Ҳар қандай ташкилотда, ҳатто ямоқчининг дўконида ҳам “қулоқ” бўлса зиён қилмайди. Тўғри-да, вақти-вақти билан “тозалаш” ўтказиб турмаса бошқариб бўладими бу турфа жамиятни!

Урушдан кейинги “тозалаш” ҳам бежиз қилингани йўқ. Айниқса, олиффа интеллигентлар ҳаддидан ошиб кетди. Газета-журналларда совет жамиятини масхара қиладиган нарсалар пайдо бўла бошлади. Мактаб ўқитувчисидан тортиб олимгача – ҳаммаси “доно!”. Ҳаммаси-“даҳо!” Хех!”.¹

Асардан келтирилган ушбу парчадан биз Комиссар образи, унинг руҳий олами, маънавий қиёфаси ҳақида янада аниқроқ тасаввурга эга бўламиз. У ҳақдаги хулосаларимизни жамлашга ҳаракат қиламиз.

Ушбу асарда Инсон-Уруш-Ўлим ғояси ниҳоятда теран ёритилган. Асар катта бир даврни қамраб олган. Бу даврда эса, инсоннинг табиий эҳтиёжи-эрк бўғилган, жамиятни яққаҳоким мафкура-совет мафкураси бошқарган эди. Бизнинг мақсадимиз бу хулосаларни даврни инкор қилиш, ҳозирги кунга нисбат бериб, салбий фикрлар айтиш эмас, балки бутун бир давр-шўро мафкурасининг интиҳосида шу жамиятда озми-кўпми яшаган инсонларнинг руҳиятларида қандай ўзгаришлар содир бўлди ва бу ўзгаришлар адабиётимизда қай тарзда аксланганини аниқлаш ва таҳлил қилишдир.

¹ Ҳошимов Ў. Сайланма: 2 жилдлик. 1-ж. Т.: “Шарқ”, 1998, 439-б.

² Ўша асар. 440-б.

¹ Ҳошимов Ў. Сайланма: 2 жилдлик. 1-ж. Т.: “Шарқ”, 1998, 476-б.

Комиссар даврнинг “қўл-оёғи”, “қулоғи” га айланган кимса. У ўзини буткул жамиятни унсурлардан тозалашга бахшида этган эди. Гўё, бу унинг учун муқаддас вазифа эди. Шундай бўлса-да, у шахс сифатида шаклланмаётган, руҳан тозаришга ҳаракат қилмаётган, аксинча, ўзининг оний ожизлигидан-да ғазабланидиган эди. У учун ҳар қандай фикр қувватсиз, бу фикрнинг эгаси эса доимо ундан анча “пастда” кўринар эди.

Эътибор қиладиган бўлсак, асарнинг бошланишида ҳам, якунида ҳам Комиссар ва Қурбонойларнинг суҳбати берилади. Шу сўнгги суҳбат асносида Комиссарнинг айтган гаплари унинг ким бўлганини, ким эканлигини ва бундан кейин ҳам ким бўлишини қатъий таъкидлагандек бўлади.

-Супураяпсанми?

Қурбоной хола Комиссарнинг гўлдираган овозини эшитиб, ишини тўхтатди.

“Йўқ, ўйнапман!” деб ўйлади энсаси қотиб.

Салом берди. Комиссар чангдан қочиб, ўн қадамча нарида турарди. Бошида қора шляпа, эғнида қора плаш. Қўлида сут бидон...

-Куёвингни судга бердингми?-деди Комиссар.

-Худога солдим!

-Тўғри қиласан!-Комиссар истехзоли илжайди.

-Худонинг сендан бошқа дарди-касали йўқ.

Қурбоной хола супургини кўтариб, ишини давом эттирмоқчи эди, Комиссар сўраб қолди.

-Хабаринг бўлмадими, анави болани ўлдирганлар топилдимикан?

-Топилганда нима?-деди Қурбоной хола.-Ўлганнинг ёш жони кетди... Худо раҳмат қилсин...

-Келин-чи, келин? Қадами қийшаймаяптими?

Қурбоной хола норози алпозда қараб қўйди.

-Ўзингиз тузукмисиз?-деди бошқа гап тополмай.

-Менми?-Комиссар қолди. -Хех-хех-хех! Қачон ўласиз, демоқчимисан? Овора бўласан! Мен ўлмайман! Хех!¹

Бу таъкиддан кўриниб турибдики, Комиссар ҳаёти ҳам поёнига етиб қолган. Бироқ, у, шу умри давомида шахс сифатида шаклланмади, балки шўро мафкурасининг “махсус одами” сифатида яшаб ўтди. Унинг кузи алақачон келган. Лекин Комиссар шундай тубанлашиб кетганки, бу ҳақиқатни тан олгиси келмайди. Ўйлаб кўрсак, уни ҳамма тарк этди. Назирадек аёл (хотини), фарзандлари, келинлари ундан юз ўгирди.

¹ Ҳошимов Ў. Сайланма: 2 жилдлик. 1-ж. Т.; “Шарк”, 1998, 425-б.

Кейинги хотинидан у вафо топмади. На бир дўст, на бир суянчик қолмади. Сўнгида эса, у эътикод қўйган жамият, мафкура таназзулга юз тутди.

Шундай бўлса-да, у айнан шу ҳолатни-ҳақиқатни англаб етишдан маҳрум. Чунки, у, бутунлай, инсон қиёфасидаги ҳайвонга айланиб улгурган, ҳар қандай инсоний ҳис-туйғулардан мосуво, “қотма” га айланган маҳлуқ эди.

Ёзувчи-ҳаётнинг синовчан ва эҳтиросли тадқиқотчиси. У ҳаёт ҳодисаларини ўз асарига киритар экан, бу воқеаларга ўз муносабатини, у ёки бу тарзда билдирмай қўймайди. Бадий асарда ёзувчи позициясининг бўлиши катта аҳамиятга эга.

Бадий ижодда руҳий таҳлилнинг ўрни ва аҳамияти бекиёс. Ҳар қандай бадий асарнинг даражаси унда инсон қалби ҳақидаги ҳақиқат қай йўсинда, қандай ифода этилгани ёки тасвирланганлигига кўра белгиланади. Бадий асарлар марказидаги инсон қиёфаси унинг руҳияти таҳлили орқали очиб берилади. Санъаткор-ижодкорлар яратган асарларга эътибор қаратилса, жаҳон адабиётининг етук дурдоналари саналмиш асар муаллифлари руҳшунос-инсоншунос сифатида қалам тебратганликларининг гувоҳи бўламиз.

Ўзбек адабиётига тамал тошини қўйган Абдулла Қодирий, Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон, Абдулла Қаҳҳор ижодий анъаналарини давом эттираётган ёзувчилардан бири Ўткир Ҳошимовнинг роман ва қиссаларида инсон руҳияти, руҳий жараёнлар силсиласи ва драмаси аниқ, ниҳоятда нозик жиҳатлари, жамики товланишлари билан тасвирланган. Бу ижодкорлар асарларида воқеа-ҳодисалар тафсилоти эмас, балки биринчи галда персонажлар руҳиятидаги ўзгаришлар, қалқишлар ҳаяжонли тарзда чизиб берилганлигини кузатиш мумкин. Руҳий жараёнларнинг таъсирчан манзаралари китобхонни ҳаяжону ҳайратга солади, ўй-мулоҳазалар юритишга чорлайди. Асар қаҳрамонлари руҳиятидаги ўзаро занжир халқалари каби уланиб кетувчи ҳиссий жараёнлар, кечинмалар, инсон руҳиятини тушунишга ундайди, баъзан тушуниш мушкул бўлган бу сеҳрли олам манзараларини бадий бўёқлар тимсолида кўз ўнгимизда гавдалантиради.

Психологик образ яратиш, қаҳрамонлар характери, руҳияти ва ички дунёсини очиб бериш ёзувчи маҳоратини белгилайди. Ўткир Ҳошимов ҳам ана шундай маҳорат эгасидир. У барча асарларида қаҳрамонларнинг ички дунёсини тўла очиб бера олган.

Ўткир Ҳошимовнинг “Тушда кечган умрлар” романидаги бош қаҳрамонлардан бири Рустамдир. У вояга етгач, уни “афғон” га жўнатадилар. Афғонистонда у шўро ҳарбий сиёсатининг жами иккиюзламачиликларини, шафқатсизликларини кўради, шўро ҳукуматининг сохта шон-шуҳратини яратишда қатнашади. У ерда бўлиб ўтган воқеалар Рустамнинг дунё, инсон, ҳаёт, умр, жамият ҳақидаги тасаввурларини ағдар-тўнтар қилиб

юборади. У йўлини бутунлай йўқотиб қўйган, эътиқодларидан адашган, руҳан ва жисмонан мажруҳланган ҳолда юртига қайтади. Шу ўринда бир нарсага эътиборимизни қаратсак. Асар Рустамнинг фожеий тақдири билан якунланади. Бу фожеанинг асослари ёзувчи томонидан бирма-бир келтирилиб, далилланади. Дикқат қилсак, шу фожеанинг яна бир асоси, омили бу Рустамнинг урушдан жисмоний мажруҳланиб келишидир. Бир қарашда бу унчалик кўзга ташланаверадиган сабабга ўхшамайди. Лекин асар воқеалари кульминацион нуқтага етиб, энди, албатта, фожиа юз бериши керак бўлган вазиятда (воқеалар шундай етилдики, фожиа юз бермаслиги мумкин эмас-К.Ш) унинг жисмоний камчилиги яна бир қарра таъкидланади. Бу ҳақиқат айнан айтилмаса-да, Рустам ва ўқувчи уни шундай қабул қилади.

-Бас!-дедим таҳдид билан.

-Урмоқчимисиз?-Шахноза ўрнидан сапчиб турди.-Уринг!-деди чинқириб. – Уринг! Шундан бошқа нима келарди қўлингиздан! (Бундан бошқа ишни эплай оласанми, ўзи?-К.Ш) Дуч келган одамга мушт кўтарасиз. Ҳамма-ёмон. Битта сиз-яхшисиз! Ўз кўнглингизда қахрамонсиз! Адолат ўрнатмоқчи бўласиз...¹

Ўтқир Ҳошимовнинг усталик билан ишлата олган шу омил билишимча, бошқа мақсадга қаратилган. Негаки, аслини олганда, Рустамнинг бу камчилигини тузатиб бўларди. Бу нарса асарда врач тавсияси билан бироз таъкидланади. Агар у озгина ҳаракат қилса, ўзини қўлга ола билса, бу дарддан қутулиши мумкин эди. Бироқ, ёзувчи хоҳлаган мақсад бу эмас. Менимча, бу вазиятда жисмнинг мажруҳлиги эмас, балки руҳнинг мажруҳ эканлигига урғу берилган. Уят-ўлимдан қаттиқ. Ҳар қандай эр йигит учун биринчи ўринда шаън, ор-номус, ғурур туради. Эр кишининг ғурури топталгани, шаъни поймол қилингани-ўлгани. Агар Рустамнинг руҳи бутун бўлса, у ўзининг бу “камчилиги” ни енга оларди. Бироқ, унинг бундай қилишга кучи етмади. Чунки, у яшаб турган муҳит бунга йўл бермаган эди. Шунинг учун ҳам, ўзига ишонган, ориятли, ғурури баланд Рустам бу савдолардан ўлибгина қутулиши мумкинлигини англаб етди.

Ҳолбуки, бу савдолардан қутулиши учун Рустам ўзини жамиятда эркин ҳис қила олиши, мақсадларини бирма-бир амалга ошириши керак эди. Бироқ, у кутганчалик бўлмади. Жамиятда у ўз ўрнини топа олмади.

Шу ўринда адабиётшунос олим Дилмурод Қуроновнинг айнан Рустам тақдири, фожиаси ҳақидаги фикрлари ўринлидир.

“...Рустам образи талқинида ўзига тамомила “бегона дунё”да, ўзига “душман дунё”да яшаган шахс фожиасини кўрамиз. Рустам ўзи яшаётган дунёда ўзини мутлак “бегона” ҳис қилади, ўз дунёсидан мантиқ, ҳаётдан маъни тополмай қолдики, айти шу

¹ Ҳошимов Ў. Сайланма: 2 жилдлик. 1-ж. Т.: “Шарк”, 1998, 651-б.

шароитда унинг қаршисида “ҳаёт яшаб ўтишга арзийдими?” қабилидаги абсурдга хос савол кўндаланг бўлади.¹

Лекин, Рустам бу саволга умрининг охиригача ҳам жўяли жавоб топа олмади. Шундай бўлса ҳам, у ўзида руҳан тозаришга эҳтиёж сезаётган, жамиятда юз бераётган номаъкулчиликларга, нима учун шундай?-дея савол қўя олаётган шахсдир. Унинг Комиссар билан энг катта ва муҳим фарқи ҳам худди ана шу хислатидадир.

Шу ўринда асарда келтирилган бир ҳолатни эслайлик. Рустам Афғонистондан қайтганига бир-икки ой бўлганда отасининг ноҳақ қамалганига зада бўлиб, дадасининг масаласида югурмаган жойи қолмайди. Бироқ, ҳеч ким унга ёрдам қўлини чўзмайди, ҳаракатларидан ҳеч қандай натижа чиқмайди. Шунда у беҳудага уринаётганини тушуниб етади. Айни шу вазиятда капалак ҳақидаги тасвир унинг (айни вақтда ёзувчининг) жамият ҳақидаги тасаввурларини, хулосаларини белгилайди.

“Ойим капалакни гапирдими? Қизиқ... Уйга капалак кириб қопти. Миттигина. Қанотлари кўкимтир. Унсиз типирчилаб у деворга урилади, бу деворга урилади. Ана! Қанотларини жонҳолатда силкиб, учиб борди-да дарпардага кўнди. Худо билсин, эрталабдан бери ёруғ дунёга чиқиб кетиш илинжида питирлайвериб ҳолдан тойгандир... Синчиклаб кузатиб турдим. Билдимки, капалак нур шу ердан тушаётганини сезиб турибди. У ёқда, ташқарида офтоб бор. Эркинлик бор... Тоза ҳаво... Гулзорлар... Шўрлик! Билмайдик, башарти бирон инсофли одам дейлик, мен пардани четга суриб, йўл очиб берганим тақдирда ҳам, капалак барибир озодликка чиқолмайди. Дераза ёпик... Ташқарида ёруғ олам кўриниб туради. Аммо деразадан тушаётган нур-қалбаки нарс... Ўртада тўсиқ бор. Ҳаммаси-ёлғон! Ҳаммаси-алдов! Нурли келажак деб одамларни алдаш мумкин-ку! Сен ким бўпсан, биродар! Оддийгина капалаксан, холос!”¹

Ҳуқуқни ҳимоя қилувчи органларга мурожаат қилганда Рустам ҳаммасидан бир хил жавоб олади.

“Майли, аризангизни ташлаб кетинг, ўзимиз хабар қиламиз”. Баъзилари овозини пастлатиб дўстона маслаҳат беради. “Отангиз “пахта иши” бўйича қамалганми? Яхшиси бу ишга аралашманг”. Аланг-жалаңг бўлиб, товушини янаям пасайтиради. “Биласизми, ука бу иш билан Москва шуғулланыпти. Эҳтиёт бўлинг...”²

Шунда Рустам жамиятнинг асл қиёфасини кўргандай, унда яшаётган, ҳаттоки, ўзидан ҳам шубҳаланадиган инсонлар ҳақидаги ҳақиқатни англагандек бўлади.

¹ Қуроноф Д. “Адабиёт надири” ёки Чўлпоннинг мангу саволи. Романнинг янги умри. Т., Зарқалам, 2006 й. 103-б.

¹ Ҳошимов Ў. Сайланма: 2 жилдлик. 1-ж. Т.: “Шарқ”, 1998, 587-б.

² Ўша асар. 587-б.

Ёлик дераза! Ҳаммаси равшан. Барчаси адолатли. Ҳаммаёқ гўзал! Олам нурга тўлиқ! Ёлгон нур... ёлгончи дунё ва... ожиз капалак...³

Дарҳақиқат, мустабид тузум даври ана шундай ёлгончи нурга тўла, ҳаммаёқ гўзал, бу жамиятда ҳамманинг ҳақ-ҳуқуқлари тенг ва кафолатланган бўлса-да, аслида эса кишилар ўз эркларидан маҳрум этилган, бу тузум эса неча-неча рустамларни ожиз капалак ҳолига солган ва ёки бутунлай маҳв этган эди.

Биз юқорида “учлик образ” иборасини ишлатдик. Бу учликнинг яна бири Қурбоной образидир.

Қурбоной-ўзбек аёлларининг тимсолига ўхшайди. Унда ҳақиқий ўзбек аёлларига хос бўлган андиша, меҳр-оқибат, иймон, покизалик сақланиб қолган.

Фақат шуниси қизиқки, нима учун унинг исми айнан Қурбоной? Нимага Садоқат эмас? Нима учун Меҳрихон эмас? Ёки умуман? Шу ўринда ёзувчи исм танлашда ана шу исмларга маълум маъноларни юклаганлигига амин бўламиз.

Даврнинг бўронларида, мустабид тузумнинг талотўпларида айнан ўзбек миллатининг неча минглаб фарзандлари қурбон берилгани тарихий фактлардан бизга маълум. Асардаги ана шу даврнинг, тузумнинг энг катта қурбони ҳам Қурбонойдир. Тўғри, унинг исми ҳақида асарнинг бир ўрнида тўхтаб ўтилади. Бу Комиссар навбатдаги “тозалаш”ни ўтказаетган пайтда, Қурбонойларнинг уйида япон резидентига ёзилган хатни тинтиш жараёнида юз беради.

““Қурбоной эмиш! Хўп топибсанми, қизингни отини! Демак, Қурбон ҳайитида туғилган. Мактабда ўқитувчилик қиласан, уйингда Қуръон ўқийсан... Илон! Мунофиқ!” Қизалоқ ҳамон онасини кучоқлаб турар, чамаси дадасининг олдида учиб бориб бўйнига осилгиси келар, аммо нотаниш “амаки”дан кўрқар эди.”¹

Бу ўринда ёзувчининг нияти ўша даврда динга, диний маросимларга муносабат қандай бўлганлигини кўрсатиш учунгина Қурбоной исмини танлаганлиги бироз ҳақиқатдан четроқ туюлади. Албатта, биз таъкидлаган фикрларни ёзувчи ўйлагани аниқ. Бироқ, менимча, Қурбоной образи асарда даврнинг энг катта қурбони сифатида гавдаланади. Ҳолбуки, у гўдаклигидан бошлаб қанча-қанча сиёсий зуғумларни кўрган, бобосидан, отасидан ва сўнгида онасидан аянчли ҳолда ажраган эди. Бу воқеалар, зуғумлар унинг юрагини олиб қўйган эди. Шунинг учун ҳам у тақдирга тан берган, ёзиғида нимаики бўлса, худодан кўргувчи эди.

³ Ўша асар. 588-б.

¹ Ҳошимов Ў. Сайланма: 2 жилдлик. 1-ж. Т.: “Шарқ”, 1998, 481-б.

Бир қараганда Қурбоной образи асарда биз истаганчалик вазифа бажармаётгандек туюлади. Унинг асар бош қаҳрамони Рустам билан бир “дом”да истикомат қилувчи фаррош аёл эканини биламиз. Қурбоной ўрнига бошқа образ киритилса ёки умуман киритилмаса ҳам бўладигандек. Бирок, гап бунда эмас, Қурбоной билан Рустам ўртасидаги муносабат унчалик чуқурлашмаган бўлса-да, давр муҳити, тузум кишилари ҳақидаги хулосаларимизнинг яна ҳам қувватлироқ бўлишида Қурбоной образининг ўрни каттадир. Чунки, унинг тақдири, ўтмиш фожиаси бевосита Комиссар билан боғлиқдир. Комиссар эса, неча минглаб қурбонойларнинг бошига етган жамиятнинг “қўли” ҳисобланган. Комиссар характерининг тўлақонли очилишида Қурбоной образининг роли каттадир.

Кўп асрлик ўзбек адабиёти тарихида XX аср адабиётининг алоҳида ўрни бор. Бу даврнинг 80-90-йиллар адабиётида инсонпарварлик руҳи кучайди, ундаги шахс концепцияси чуқурлашди, бойиди. Инсон шахсига ҳар тарафлама ёндашишга интилиш, унинг руҳий олами, бутун манзараси, мураккаблиги билан рўй-рост кўрсатиш мазкур давр адабиётининг муҳим хусусиятларидан биридир.

70-йилларнинг бошларидаёқ турғунлик даврининг иллатлари “мана мен” деб кўрина бошлади. Бу даврда жамиятда порахўрлик, ишдаги маъсулиятсизлик, қоғозбозлик авж олган эди. Инсонларда иймон сусайди, диёнатга путур етди, эътиқодлар заифлашди.

Айнан шу иллатларни фош қилиш, жамият кирдикорларини очиб ташлаш ёзувчилар олдидаги энг катта маъсулият бўлиб қолди.

Ўткир Ҳошимов ана шундай маъсулиятни бўйнига олиб, жасорат билан “Тушда кечган умрлар”ни ёзди.

Бу романда муаллиф воқеалар тасвирида уларнинг табиий оқимини сақлашга интилади. Асар воқеалари замирида салмоқли умумлашмалар, инсонлар ҳаётининг муҳим томонларини ифодаловчи теран фикрлар мавжуд. Муаллиф биринчи навбатда инсон шахси, унинг руҳий дунёси манзараларини усталик билан чизади. Иккинчидан, уруш аталмиш офатни қоралайди, унинг ғайриинсоний моҳиятини очиб беради.

Ўткир Ҳошимовнинг “Тушда кечган умрлар” романи даҳшатли адолатсизликларни кўриб кўзи очилган кекса раиснинг ўзи босиб ўтган ҳаёт йўли устидан, ўзини вояга етказган муҳит устидан чиқарган ҳукми, хулосасига асосланган.

-Ўйлаб қарасам, ўтган умрим-умр эмас, туш экан. Гўё мен эсимни таниб-танитай биров уйқу дори ичиргану туш кўриб юраверганман: гоҳ ширин, гоҳ хатарли туш кўриб. Ўша “бирова” қаёққа судраса кетидан эргашиб кетаверганман, нима буюрса қулоқ қоқмай бажараверганман... Уйғонишга эса қўрққанман... Мана энди, уйғониб, ёнверимга қарасам менга ўхшаганлар кўп экан...¹

Дарҳақиқат бу хулоса фақат раисники эмас, балки ўша даврнинг кўп минглаб кишиларининг ҳукми-хулосаси эди. Улар ҳаётларининг қайси бир палласида уйғониб амин бўладиларки, шу пайтгача умр, деб билганлари умр эмас, балки совуқ ва кўркинчи босинқираш, холос. Инсон учун ўзи босиб ўтган ҳаёт йўлининг маънисиз эканлигига амин бўлишдан кўра аламлироқ тақдир йўқ.

Шундай қилиб, Ўткир Ҳошимовнинг “Тушда кечган умрлар” романи ана шундай аянчли тақдир эгалари-инсонлар тақдири орқали бутун бир ижтимоий тузумнинг, мустабид жамиятнинг ғайриинсоний моҳиятини фош этувчи романдир. Шубҳасиз, бу

¹ Ҳошимов Ў. Сайланма: 2 жилдлик. 1-ж. Т.: “Шарқ”, 1998, 627-б.

роман ғоявий йўналиши жиҳатидан ҳам, инсоний мазмуннинг теран ифодаланишига кўра ҳам, бадиий хусусиятлари билан ҳам Ўткир Ҳошимов ижодини янги бир босқичга кўтарди ва адабиётимизга ўзига хос ҳисса бўлиб қўшилди.

II боб. Омон Мухторнинг “Тўрт томон қибла” трилогиясида абсурд кайфият тадрижи

Кўп асрлик ўзбек адабиёти тарихида XX аср адабиёти алоҳида мавқега эга. Зеро, худди шу даврда адабиётимиз хазинасида роман, қисса, драма сингари янги жанрлар пайдо бўлди. Ўзбек адиблари жаҳоннинг илғор ёзувчилари бадиий тажрибаларидан том маънода баҳраманд бўла бошлади. Адабиётнинг халқ ва жамият билан алоқаси барқарорлашди.

XX аср ўзбек адабиёти мустамлакачилик даврига қарши исён сифатида шаклланди.

Истиклолдан сўнг ёзилган романларнинг аксарияти турғунлик давридаги ижтимоий ҳаётни, шу йилларда одамларни қийнаган иқтисодий-маънавий муаммоларни акс эттирди. Бу асарларнинг қаҳрамонлари ҳам бир-бирига жуда ўхшаш тақдир эгаларидир. Ҳам салбий, ҳам ижобий персонажларга ёндашишда аксарият ёзувчилар бир хил қадриятларни мезон қилиб олдилар. Жамият турмуш тарзига, маънавий ва иқтисодий адолатсизликларга муаллифларнинг муносабати ҳам бир-биридан унчалик фарқ қилмади.

Аммо, XX асрнинг 80-90-йилларида адабиётда жиддий янгиланишлар юз берди. Жумладан ана шу янгиланишларда ўз ҳиссаси бўлган Мурод Муҳаммад Дўст, Эркин Аъзам, Назар Эшонкул, Хуршид Дўстмуҳаммад каби адабий жараёнда ўз ўринларига эгадир. Шулар қатори бугунги кун прозасида ўзигагина хос бўлган услубга эга, умуман ўзбек адабиётида ўзининг овози ва ўрнига эга бўлган адибларимиздан бири Омон Мухтор ҳисобланади.

Омон Мухтор “Йиллар шамоли”, “Эгилган бош”, “Минг бир қиёфа”, “Кўзгу олдидаги одам”, “Тепаликдаги хароба” романлари билан ҳозирги адабий жараёнда муҳим ўрин эгаллайди.

Адиб қаламига мансуб “Тўрт томон қибла” трилогиясини “Минг бир қиёфа”, “Кўзгу олдидаги одам”, “Тепаликдаги хароба” романлари ташкил этади.

Ташқи томондан қараганда ҳар учала роман (“Минг бир қиёфа”, “Кўзгу олдидаги одам”, “Тепаликдаги хароба”) алоҳида-алоҳида асарлардай кўзга ташланса-да, уларни бирма-бир мутолаа қилар экансиз, ҳар қайсисининг ғоявий йўналиши, дарди бир эканлигини ҳис қиласиз.

Адиб ўзи таъкидлаганидек ва бизнинг кузатишимизча ҳам трилогиядаги ҳар бир роман ўзаро уйғунликда, кетма-кетликда тартибланади. “Минг бир қиёфа”ни ўқиб, сўнг “Кўзгу олдидаги одам”ни ўқир экансиз, биринчи асарда фикр у даража ривожлантирилмаганини англаб етасиз. Бу бўшлиқ, етишмовчилик иккинчи асарда яна

хам тўлдирилишини, аввалида айтилмаган фикрлар, жамланмаган хулосалар кейингисида бироз тўлишининг, жамланишининг гувоҳи бўламиз. Учинчи роман “Тепаликдаги хароба”да эса фикр кувватининг ошгани, тафаккурнинг чархланишини, дунё, олам, инсон, тақдир, қисмат ҳақидаги фалсафий мушоҳадакорликнинг бир поғонага кўтарилишини туясан, киши. Бу эса, трилогиянинг яхлит бир концепцияга асосланганини кўрсатади.

Роман-трилогия ҳақида умумий хулосаларни жамлашга ҳаракат қиламиз.

Омон Мухтор кейинги йилларда, айниқса, ўзининг янгича йўналишда, ўзгача оҳангларда яратган бир қатор насрий асарлари билан ўзбек адабиётида муҳим ўрин эгаллади. У 90-йилларга қадар ёзган асарларини анъанавий реалистик усулда яратди. Жумладан, бир қанча ҳикоялар ҳамда “Йиллар шамоли”, “Эгилган бош” каби романларга кўл урди. Истиқлолгача бўлган давр ва шу йиллар ичида у роман жанрида бир нечта асарларни яратди. Бу, албатта, ижодкордан катта куч, иқтидор ва айниқса, маъсулиятни талаб этарди. Омон Мухтор ана шу маъсулиятни чўчимай ўз бўйнига олди.

Адибнинг кейинги йилларда эълон қилинган романлари ҳозирги ўзбек прозасида ва умуман, ўзбек адабиётида катта воқеа бўлди. У бадиий ижодда ўзига хос овозга, услубга эга. Унинг романлари композицион қурилиши жиҳатидан ғаройиблиги билан, анъанавий усулдан тубдан фарқланиши билан ўзига хос оригиналлик касб этади.

Айниқса, биз кўриб чиқаётган “Минг бир қиёфа”дан бошланувчи туркум асарларда инсоният тақдири, қисмат йўли замондош ҳаёти, тасаввури, ҳаёлоти, шуури орқали ажиб бир шакл, сирли-хаёлий оҳангда аксланади. Асар воқеалари халқ эртаклари, афсона, ривоятларга хос ифода йўсинида тасвирланади.

Биринчи асарнинг бош қаҳрамони Абдулла Ҳаким-“Бурхон Шариф” ғалати бир ҳолатга тушган, ё тирик эмас, ё марҳум. Фикр тирик-бу дунё ҳақида мулоҳазалар қилади. Жисм-мавҳум, ҳақиқий дунёнинг (дорулбақо-чин дунё) савол-жавобларига рўбарў келади.

Иккинчи асарнинг бош қаҳрамони уста Валижон-ҳақиқатнинг тагига етаман, дея, бошқа инсонларга кўринмайдиган ям-яшил водий, дарё билан реал ҳаёт ўртасида жонсарақ.

Учинчи асар қаҳрамони Мирза Ғолиб эса янада мавҳумотли-сирли. У бир караганда ўз замондошлари билан ҳам, бундан минг йиллар аввал яшаб ўтган буюк инсонлар (мавлоно Лутфий, Машраб, Байрон) билан ҳам бирдай мулоқотга кириша оладиган ғаройиб хусусиятли, билимдон киши.

Эътибор қиладиган бўлсак, бу қаҳрамонларнинг учаласи ҳам учта олам, учта инсон, уч дунёкараш ва учта соҳа эгалари. Бироқ, бир нуқтада улар ўхшаш, яқдилдирки, уларга оддий одамларга берилмаган айрича иқтидор ато этилганки, ўтмишни, бугунни ва келажакни яхлит ҳолда кўра олиш қобилиятига эгадир.

Асарни мутолаа қилар экансан, бу ҳолатда заррача бўлса-да ғайритабиийлик сезмайсан, киши. Аксинча, воқеа-ҳодисаларнинг бир-биридан ўсиб чиқишини, мантиқан узвий боғланишини, ушбу трилогия битта инсон тақдиридан бошланиб, жамият кўлами, ундан бутун олам, башарият қисматига катта маҳорат билан ўтилганини кузатишимиз мумкин бўлади. Шу ўринда бутун бошли асар ғаройиб ҳодисаларга, ҳаёлий воқеаларга асосланган бўлса-да, адибнинг айнан шу воқеаларга ишонтира олиш қудратига қойил қоламиз.

Асардаги яна бир диққатга сазовор нарса бу-рамзлар. Транспорт воситасининг ҳайдовчисиз ҳам ҳаракатга келиши, “ўлган одам”нинг (Сирож Муаллим-“Кўзгу олдидаги одам”) бемалол чойхонада чой ичиб ўтириши, кўп қаватли бинонинг дабдурустдан йўқолиб қолиши ва ҳоказо шу сингари рамзлар асарда бир неча ўринларда учрайди.

Аслини олганда эса, бундай бўлиши мумкин эмас, бу фақатгина қаҳрамоннинг онгида, ҳаёлида юз бераётган ҳодисалардир. Нима бўлганда ҳам бизга бу рамзларнинг миқдори эмас, балки улар ташиётган маъно, бажараётган вазифаси муҳим.

Юқорида таъкидлаганимиздек, асарнинг ифода йўсини кўпроқ эртақ, ривоятларга ўхшаб кетади. Шу жумладан, трилогиянинг бир неча ўринларида ривоят ва ҳикоятлар келтирилган. Албатта, бу ҳам бежиз эмас. Сабаби, бу ривоятларда ҳам айтилажак ҳақиқат, асардан келиб чиқувчи умумлашма, хулоса, тағмаёна бор.

Шу ўринда бизни ўз инон-ихтиёри билан ўлимга-дор остига келган одам ҳақидаги ривоят жалб этади. Бу ҳаракат (дор остига бориш) бизга нотабиий кўринади. Чунки, одатда дор остига кишиларнинг гуноҳини бўйнига қўйиб “олиб келинади”. Сен қилаётган ишининг сабаби нима?-деб сўрашганда, бу одам шундай жавоб қилади:

“Менга: “Ҳаётдан ҳам, ўзингдан ҳам норози бўлма... Ҳеч нарсани эшитма!”- дейишди. Қулоғимга пахта тикиб олдим. “Ҳеч нарсани кўрма!”-дейишди. Ўзим ўз кўзларимни боғладим. “Ғапирма!”-дейишди. Тилимни тишлаб юрдим. “Кулма!”-дейишди. Бунга ҳам кўндим. Энди.”Ҳеч нарсани сезмагандек юр. Ўйлама!-дейишди. Мен тирик одамман. Идрок қилмай яшай олмайман! Ундан кўра мени осиб қўя қолинглар...”

Бу келтирилган ривоят сўзсиз, қадимий эмас. У яқин ўтмишни ифодалаган ривоят, аслида. Чунончи, шўро даври шундай эдики, коммунистик мафкурага бўйсунган ҳамма инсонларни “тили”дан, “қулоғи”дан, ҳис-туйғуларидан ва ҳаттоки, онг-фаолиятидан ҳам маҳрум этган эди. Бу даврнинг, “марказ”нинг “талаби” шу билан бирга “эҳтиёжи” ҳам эди. Боиси, “марказ”га доим “содик”, ўз ҳаётларидан (ҳар қандай вазиятда, ҳар қачон) мамнун одамлар, ҳамиша “бир хил ашула” аytувчи “маддоҳлар” керак эди.

70-йиллик истибдод давомида неча минглаб кишиларни аросатга солган, уларнинг руҳиятида сўнгсиз азоб-уқубатлар изини муҳрлаган мустабид тузум ўзининг

“қора” қилмишлари билан бутун инсониятни махв этиш даражасига етди. Энг ачинарлиси шундаки, бу тузум одамларнинг имон-этикодини бутунлай емирган, уларни вазиятга қараб тусга кирувчи “буқаламун”ларга айлантирган эди.

Омон Мухтор романларидаги бир нечта персонажлар бир қараганда, худди тирик инсонлардай ҳаракат қилсалар-да, аслида уларнинг мақсадсиз, фикрсиз, онгсиз-манкуртлар эканини англаш қийин эмас.

Инсон зоти борки, у доим эрка, ҳурриятга ташна бўлиб, талпиниб яшайди. Заррадай эрксизлик, тобелик унинг ҳаётини бутунлай издан чиқаради. У табиатан шундай яралган ва ҳамиша шундайлигича қолади.

Трилогияда мавжланиб турувчи, ёзувчининг мақсади-бош ғоя ҳам ана шу инсон эрки, озодлиги ҳақида фикр қилади. Бугунги жамият, умуман олганда инсоният азал-азалдан қулликни, мутеликни, тобеликни қоралаб келган. Бироқ, энг даҳшатлиси шундаки, тана озод бўлгани билан рух эркин бўлмас экан, инсониятнинг ғам-андуҳлари барҳам топмайди.

Омон Мухторнинг ҳар учала романида аслида ҳеч қандай воқеа тасвирланмайди. Тасвирланаётган воқеаларда реал асос мавжуд эмас, қолаверса, уларда на аниқ макон ёки замон тушунчасининг ўзи йўқ. Аниқроқ қилиб айтганда, содир бўлаётган воқеа-ҳодисалар асар қахрамонларининг онгида, тафаккурида, тасаввуридда кечади.

Дунёда энг тез нарсани нима? Албатта, бу топишмоқсифат жумланинг жавоби-фикр, ҳаёл, тасаввур. Чиндан ҳам инсон руҳиятининг имкониятлари чексиздирки, у оний лаҳзалар ичида яшин тезлигида ҳаёл қила олиш, фикрлай олиш қобилиятига эга.

Омон Мухтор романларида инсоннинг худди ана шу қобилияти асосида воқеалар жонлантирилади. Улар гўё реал ҳаётда кечаётгандек тасаввур уйғотса-да, аслида улар тушларга ва ёки кинотасмаларга муҳрланган лавҳаларга ўхшаб кетади.

Бадий асарда инсон образининг тўлақонли чиқишида муҳим омиллардан бири бадий психологизм саналади. Бадий психологизм персонаж руҳиятининг очиб берилиши, унинг хатти-ҳараатлари, гап-сўзларининг психологик жиҳатдан асосланишини билдиради. У мазкур вазифаларни амалга ошириш учун хизмат қилувчи қатор усул ва воситаларни ўз ичига олади. Ёзувчи персонаж руҳиятини бевосита ёки билвосита тасвирлаб бериши мумкин. Персонаж ўй-кечинмалари, ҳис-туйғуларининг “ички монолог”, “онг оқими” тарзида ёки муаллиф тилидан (автор гапи) баён қилиниши психологик тасвирнинг бевосита шакли ҳисобланади. Асарда персонаж руҳиятининг унинг хатти-ҳаракатлари, гап-сўзлари, юз-кўз ифодалари, ундаги физиологик ўзгаришларни кўрсатиш орқали очиб берилиши билвосита психологик тасвирдир. Руҳий тасвирнинг бу икки кўриниши бир-бирини тўлдиради, шу боис ҳам муайян персонаж

рухиятини очишда ёзувчи табиат тасвиридан ёки бирорта бошқа образдан фойдаланиши мумкин бўлади.

Ушбу назарий фикрлардан бевосита ўзимиз кўриб чиқаётганимиз Омон Мухторнинг “Тўрт томон қибла” трилогияси таҳлилида фойдаланамиз.

Трилогияни ташкил этувчи биринчи роман “Минг бир қиёфа” романидир. Роман бош қаҳрамони-шоир Абдулла Ҳаким. Адиб бу романни ёзиш жараёнида диний билимлардан, фольклорга хос бўлган баъзи афсона ва ривоятлардан ўринли фойдалана олган. Шу ўринда унинг дунёқараши кенглигига, исломий билимларни ҳам яхши билишини англаймиз. Роман худди ана шу билимларни маълум изчилликда, тартибга солинган ҳолда-ривоятлар шаклида беради. Ёзувчи асарга ғайритабиий ҳолатни олиб кирди. Яъни, асар бош қаҳрамони Абдулла Ҳаким бир вақтнинг ўзида жисман бу дунёдан узилиб, нариги дунёга (албатта, мусулмонларнинг барчаси саодатли дунё-охират, чин дунёнинг бўлишига ишонадилар ва иймон келтирадилар) равона бўлади. Айни пайтда унинг руҳи синов дунёда (яшаб турганимиз) дарбадар кезишда давом этади. Тириклар ичида ва улар билан биргаликда ҳаракат қилади.

Сюжет воқеаларининг бошланишиёқ ғайриоддий тус олади. Қайсидир зиёфатдан қайтаётган ва кайфи ҳам анча тароқ бўлган Абдулла Ҳаким бекатда ярим тунда транспорт воситасини кутади. Худди шу пайт кутилмаганда бир япаски автобус келиб тўхтади. У автобусга минади. Шу вақт унинг ҳайратига автобуснинг ичида ҳеч ким, ҳаттоки, ҳайдовчининг ўзи ҳам йўқлигини сезиб қолади. Шундай қилиб у ўз ўлими томон яқинлашиб келади. Корчалонлар уни минг бир қийноқлардан сўнг катта йўлда ўлдириб кетадилар.

“-Яхши,-деди чўтир-ғилай. –Эҳтимол, шундай бўлгани маъкулдир... -тортмани очиб, кутилмаганда таклифнома қоғози, гувоҳнома, эски қопчиқни олганича, стол четига суриб қўйди. –Булар сизники, ўғлим... –эшик ёнида турган йигитларга юзланди: -Бу йигитни катта йўлга чиқариб қўйинглار...”

У хона соҳибининг гапини диққат қилиб, ажабланиб эшитганига қарамай, бу одамнинг самимиятига кўнглида ишонмаган эди. Ниқоб тақиб, ҳар қадамда минг бир қиёфага кирадиган корчалон кишилардан шафқат ёки марҳамат кутиш ортиқча... Бундай одамлар аксари фақат манфаат юзасидан иш тутиб, керак бўлса, тукқан онасини ҳам алдаб кетади. Бунинг устига, у бир ўлимни бўйнига олган, ҳаммаси тугади, деган қарорга келган эди. Лекин ҳозир ялтироқ таклифнома қоғози, гувоҳнома, бир ҳовуч сариқ чақа солинган эски қопчиқ қўлига тегиб, катта йўл тўғрисидаги буйруқни эшитгач, юрагида умид йилт

этди. Эй Худо, наҳотки, бутун кийноқлар орқада қолиб, менга қайтиб озодлик насиб қиляпти, деб ўйлади.”¹

Албатта, бу нарсалар барчаси рамзий ифодага эга. Адиб “Минг бир қиёфа” романида сюжет воқеаларини шундай тартибда тасвирлайдики, бу ҳолат бизни бироз мушоҳадага чорлайди. Бир қараганда асар Абдулла Ҳакимнинг ўлими билан бошланса, кейин золим подшоҳ Раҳим ва Раҳим Иккинчи ҳақидаги ривоят келтирилади, ундан сўнг Насриддин афанди тўғрисидаги ҳикоят, шу орада “Тарих ва Маданият” ташкилоти, Садиржон ва Гулҳуморнинг муносабатлари бериб ўтилади. Буларнинг барчаси бир қараганда бир-бирига мантикий боғланмаган лавҳаларга ўхшаб кетади. Аслида эса, сюжетдаги айнан ана шу мантиксизлик, ривоятлар, ҳикоятларнинг бир-бири билан айқаш-уйқаш тарзда ифодаланишининг замирида қандайдир ботиний тартиб, мантиқ бордек, гўё.

Асарда келтирилган рамзлар ичида энг ҳайратлиси-шаҳар ичида шаҳар, мамлакат ичида мамлакат бўлиб қолган бутун бошли тўққиз қаватли бинонинг қандайдир шамолда ўз жойлашган еридан йўқ бўлиб қолишидир. Реал ҳаётда аслида энг кучли тўфонлар ҳам кўп қаватли иморатларни бутунлай учуриб бошқа чўлу биёбонларга супуриб ташлаши ақлга сиғмайди. Ёзувчининг бундан кўзлаган нияти эса, бу эмас. Рамз орқали бошқа бир маънони ўқувчига етказиш. Юртни салкам бир аср тутқунликда сақлаган шўро ҳукумати ташкилотлари, уларда ишлаётган ишчилар аслида ўзлигидан чиқиб кетган, онгли фаолиятдан тўхтаган кимсаларга айланардилар. Улар учун ҳамма бахт-ишда, коммунизмни оғишмай куришда. Шу боис, улар ишга муккасидан кетганларки, натижада ташқи дунё билан алоқалар, муносабатлар ўз-ўзидан узилиб қолган. Шу мақсадда Омон Мухтор ўз асарида “Тарих ва Маданият” ташкилотини туйқус сахрога йўқотади. Асардан келтириладиган қуйидаги парча сўзимизнинг исботи бўла олади. Садиржон Гулҳуморни йўқотганидан сўнг, уни излаб, дугонаси Зевар билан уйига, ота-онасининг ёнига боришади.

“Уйга шошганича кириб кетган Зевар анча ҳаяллаб қолди. Ниҳоят, бўшашибми, ғамгин ҳолатдами, эшикдан қайтиб чиқди.

-Булар ҳам ҳеч нарсани билишмайди, акажон. Афтидан қизиқишмайди ҳам...

-Тушунмадим,-ғудранди Садиржон.

-Сиз уларни кўрмагансиз-а?

-Йўқ.

-Уларнинг аҳволи жуда хароб. Лекин димоғлари баланд. Киши ҳам ачинасан, ҳам жаҳлинг чиқади... Сўрасам, бизнинг қизимиз катта идорада, маъсул ишда ишлайди,

¹ Мухтор, Омон. Тўрт томон қибла: Уч романдан иборат Шарқ дафтари: (Триология). –Т.: “Шарқ”, 2000. 29-б.

дейишди. У сенларга ўхшаб бекорчи эмас, иши бошидан ошиб ётибди, дейишди. Улар идорада ётиб ҳам қолаверишади, ҳар куни уйга келолмайди қизимиз, деб мақтанишди...

-Сиз очигини айтмадингизми?-хуркибгина сўради Садиржон.

-Қандай айтасан? Улар эшитса, гапирасанда акажон. Одамлар минг йўсин хабар келтириб, шу қиз минг йил уйига келмасин, булар барибир ўз ашуласини тўхтатадиган авзойи йўқ. Билганини қайтариб ётаверади. Ҳар ҳолда, менинг таассуротим шунақа бўлди...¹

Дарҳақиқат бунга ўхшаш ҳолатларни асарнинг кўпгина нуқталарида учратишимиз мумкин. Айниқса, ўша давр кишиларини жамият, тузум имону эътиқодидан айириб, фақат ўз нафсининг қулларига айлантирилганликларини баъзи персонажларнинг ўз тили билан шу ҳолатини таъкидлагани бежиз эмас.

“Хўш, менга шу шаҳардаги мана шу бутун масжид-мадрасалар бузилгани ёқади, деб ўйлайсизми?! Айниқса, ҳовузлар билан кудукларга кўнглим ачийди. Четдан етти ёт бегоналар, ғайридинлар келиб, бизнинг тарихимиз, маданиятимизга сиғинишади. Биз шу тупроқнинг боласи, мусулмон фарзандлари-ўзимиз бор нарсани бузамиз, кўмамиз. Нега? Илож йўқ, билдийизми?! Бизга шундай кўрсатма берилган. Йўналиш шу... Биздан юқорида катта-катта корчалонлар, девдай одамлар бор. Қўғирчоқбозга ўхшаб, ип ўшаларнинг қўлида, бизни фақат ўйнатишади... Хўш, улар ичларида худога ишонишмайдими, кўрқишмайдими?! Ишонишади, кўрқишади. Лекин нафс балоси уларнинг тинч-оромини ўғирлаган. Устунлик қилади! Улар халқ ўзининг тарихини, маданиятини билмасин, бунинг устига, шароитдан қийналиб, кўз очишга имкон топмасин, деб халқни қулликда сақлаш учун шундай қилишади! Бизнинг қўлимиз билан шаҳарни вайронага айлантириб, ўзлари эски шаклда нимадир қуриб ҳам қўйишади. Улар ҳозирги энг ҳашаматли масжид минг йиллик обида бўлолмаслигини яхши билишади. Бизни ёмон кўрган халқ улардан норозиликкача бормасин, ҳамма ишнинг бошида уларнинг туришганини тушунмай, чалғисин, деб шундай қилишади! Халқни қул ҳолига солиб, аслида, улар, масалан, юз минг сўм топишган бўлса, минг сўмини сарфлашади, холос. Бунда битта шаҳарни емириб, юзлаб одамни ўлдириб, тўртта кишига ёрлик топширишдай гап! Лекин шўрлик халқ кўпинча бунинг фаҳмига етмайди. Улар бўлса, одамлардан ташқари, шу баҳонада худонинг ҳам кўнглини олгилари келади.”¹

Ҳа, бу ўша даврда катта даргоҳ ҳисобланган “Тарих ва Маданият” ташкилоти раҳбарининг эътирофлари эди.

¹ Мухтор, Омон. Тўрт томон қибла: Уч романдан иборат Шарқ дафтари: (Триология). –Т.: Шарқ. 2000. 89-б.

¹ Мухтор, Омон. Тўрт томон қибла: Уч романдан иборат Шарқ дафтари: (Триология). –Т.: “Шарқ”, 2000. 109-б.

Омон Мухтор трилогиянинг барча романларида бир нарсага кўпроқ урғу беради. У ҳам бўлса, кўхна тарих, миллий-маданий обидалар, ёдгорликлар. Адибнинг бадиий нияти ҳам аслида “тарихий хотирасиз-келажак йўқ” қабилида иш кўриш бўлган, руҳан ва маънан тозаришга, ўзликка қайтишга, ўзликни англашга ундаган.

Шоир Абдулла Ҳаким ҳам чин дунёга риҳлат қилар экан, ўз таъна аъзолари олдида ҳисоб беради. Шу нуктада адиб нафақат Абдулла Ҳакимнинг босиб ўтган ҳаёт йўли, амаллари ҳақида, балки, умуман ўша даврда яшаган инсонлар ҳаётини, умр йўлини ва ундан чиқариладиган сарҳисобни жуда усталик билан ифодалаб берганлиги маълум бўлади.

“-Сенинг гуноҳинг кўп!-дейишди улар (шоирнинг таъна аъзолари-К.Ш) шовқин солиб.

-Муҳаббатда бебурдлик қилганимни айтмаганда, менинг бошқа ҳеч қандай гуноҳим!-бўғилди Абдулла.

-Сени муҳаббатда бебурдлик қилди деб бўлмайди. Сен жуда садоқатли эдинг. Кўнглингда муҳаббатингни бир умрга сақладинг!

-Сенга неча бора айтиш керак! Сен ётиб-туриш, еб-ичиб, кийинишдан бўлак нарсани ўйламасдинг! Сен оқимга тушган хас эдинг, оқим қаёққа олиб борса, кетаверардинг. Умрингда маъно-мақсад йўқ эди. Сен ўзингга бино қўймагин, устинг, тананг сингари руҳинг ҳам пок эмас эди. Шу боисдан, сени одам деб аташ қийин эди...

-Бекорларни айтяпсанлар,-жон-жонидан азоб ўтганидан, чинқириб юборди Абдулла. –Мен иложсиз бўлганимдан, тирикчиликни ўйлаганман. Мен қаёққа кетиб-кетмасликни билмайдиган анойи ҳам эмасдим. Бунинг устига, мен одамлар орасида ном чиқариб катта шуҳрат қозонмаган бўлсам ҳамки, барибир, шоир эдим. Одамларни эзгуликка, олижанобликка даъват қилгим келарди. Демак, мени тан ёки руҳнинг поклигидан беҳабар эди, десанглар, адашасанлар!...

-Тўғри, сен ҳаммани қаёқларгадир чорлаб, ҳаммага гап ўргатгинг келарди. Шоирман, деб бакириб-чақиришни касб қилгандинг. Аммо, мен ўзим аслида кимман, инсон бўлиб нимага эришдим, нималарга эришмадим, деган гап баъзан ҳаёлингдан ҳам ўтмасди. Ҳолбуки, инсон ўз-ўзини билиш, ўзининг аҳволига тушуниб етиш энг юксак даражадир. Лекин булар сенинг катта гуноҳинг эмас, албатта... Сен Худога ишонардинг. Шунинг баробарида, шохлар-арбоблар, дегандек дунёда ҳукмини ўтказиб яшаган, ўзини бутун ҳаётнинг хўжайини деб билган қайсидир кибор, манман кишиларга Худодан ҳам кўпроқ ишонардинг! Улар сенга ҳаётдан бўлак, табиатнинг устидан ҳам ҳукмрон бўлиб туюлишарди! Сен, шу боисдан, Худо эмас, уларнинг шаънига тегадиган бир оғиз сўзни ҳам айтишдан қўрқардинг. Аксинча, идорангдаги ишингда ҳам, кўрсатиб-кўрсатмай ёзган

хаттоки шеърларингда ҳам уларнинг номини тилга олмай туrolмасдинг! Ҳайкаллари, суратлари-шаклларига астойдил сиғинардинг. Сен бамисоли бир бутпараст эдинг!...”¹

Айни таъриф давр “дохий”ларининг сиртдан оқ, аслида қора бўлган қилмишларининг натижаси эди. Дарҳақиқат ҳам инсонлар шундай фоже қисматга маҳкум эдилар. Ҳақиқатни ҳеч ким, ҳеч қачон тик айта олмаган эди. Бу давр кишилари катта ўзанли оқимнинг гирдобига тушиб қолган. Нима қиларини, нима қилаётганини англамаслик даражасига етган эдилар.

Инсон қисматининг ўзи азал-азалдан фоже. Ҳаёт шохмот ўйинига ўхшайди. Кимдир олади, кимдир эса қурбон беради. Ҳар иккиси ҳам умри поёнига етар экан, хаёлида биттагина савол чарх ураверади: нимага келдим, нима қилдим?

Шу ўринда ёзувчи таъкидиламоқчи бўлган ҳақиқат ҳам ана шу инсон руҳиятининг мураккаб жиҳатлари, зиддиятли нуқталари эди. Айни дамда мени асардаги бир образ ва у билан содир бўлган бир воқеа ларзага солди. Бу Насриддин образи. У Култепага кетаётганда йўлда бир адолатсизликка учрагани-туналгани ва худди шу пайтда теварак-атрофга разм солиб қарагани, халққа, унинг аянчли тақдирига ачиниб мурожаат қилган ҳолати кишини ҳайратга солади.

Азалдан сенинг қисматинг шумиди, халқ?! Кимлар, бошман, деб сенинг бошингга чикмади! Жиловни қўлга олган борки, сени сўяди, осади, ўлдириш пайига тушади! Зиндонга ташлайди! Бу етмаса, сени кийимсиз оч қолдиради! Йўлларда тентираб, сарсон-саргардон бўлишга мажбур қилади!... Ҳукмдордан қутулдим, деганингда минг хил тўралар, бекларга тutilасан. Пулдорлар, корчалонлар сени талайди. Булардан ҳам қутулганингда, безорилар, ўғриларга йўлиқасан. Сени булар ҳам уради, тунайди!... Ҳаммаси сендан қўрқиш, ожиз, нотавон, қул бўлиб яшашни талаб қилади!... Бечора халқ!...

Бечора халқ! Тарих бўйи кўрган кунингда йилт этган офтоб йўқ! Тенг бўламан, дединг, дунёда ҳақиқат бор, адолат албатта ўрнатилади, дединг... бироқ шохмот тахтасидаги сингари, барча от сурди, сен оёқ остида қолиб кетган, ҳаммадан олдин қурбон бўлдинг!

Сен ҳамон ишонасан бечора халқ! Эртанги кунга умидланасан! Одил шох излайсан. Бирон виждонли ҳакам бордир-ку, дейсан! Яна алданасан... бепоён, яланғоч саҳроларда дийдираб, титраб-қақшаб, юрагинг қон эканлиги кам, оёқларингни тикан шилганича, олдинга судраласан!...

¹ Мухтор, Омон. Тўрт томон қибла: Уч романдан иборат Шарқ дафтари: (Триология). –Т.: “Шарқ”, 2000. 63-б.

Бу хитоб айнан ўзбек халқига қаратилган, неча-неча замонлардан бери кўкрагига офтоб тегмаган, косаси оқармаган, не-не азоб-укубатлардан боши чикмаган, талонга, қароқчига, ўғрига, муттаҳамга, минг бир қиёфали каззобларга учраганда ҳам бошини эгиб турган, ёзиғида бориға шукур қилган, Худодан қайтмаган, бошда шу кун ҳам бор эканда, дея индамай турган ўзбек халқининг фожиаси, аёвсиз қисмати ифодаси эмасми? Ҳақни танишга, ўзни англашга бўлган ундови эмасми!

Омон Мухторнинг катта маҳорат эгаси эканлиги ҳам унинг ихчамгина романда буюк ҳақиқатларни, улкан маънони айта олишидадир.

Омон Мухтор трилогиясидаги романлар ичида абсурд туйғуси, абсурд воқелик кўпроқ “Кўзгу олдидаги одам” романида яққол кўзга ташланади. Бу асар бош қаҳрамони уста Валижон худди ана шу кайфиятга тушиб қолган. Бироқ, у бу ҳолатни қандай бўлмасин енгил кераклигини англаб етган, ҳақиқатни тағига етиш йўлида рўбарў бўлган чексиз саволларга жавоб излаган йигит.

Асар воқеалари Ширинқўлдаги мактаб биносиди Сирож муаллим ва учувчи Бадалбекнинг тасодифий ўлими тасвири билан бошланади. Валижоннинг ҳар иккала марҳум ҳақида ўз фикри бор. Бироқ, бахтга қарши унинг фикрлари ҳеч кимга қизиқ эмас.

Сирож муаллим одамларга кам қўшилиб, жанжаллашиб юрса ҳамки, гўзал, олижаноб инсон эди! Бадалбек ўз ишини тўғри бажаришга уринган, ўз касбининг устаси эканлигига қарамай, ёвуз киши эди.¹

Бу Валижоннинг ҳар иккала марҳумлар ҳақидаги дастлабки хулосалари.

Валижон чойхонада Сирож муаллимни учратади ва туйқус ҳаловатидан айрилади. Бундан кейинги воқеалар янада чигаллашиб кетади. Борган сари у ўзи англай олмаган саволлар гирдобига кўмилиб кетади. Лекин у ўзининг бу ҳолати билан келиша олмайди. Ҳақиқатни англаш мақсадида тинмай изланади. Аксига олиб, у энди тўғри йўлни топдим, деганда, рўпарасидан яна бир чигаллик пайдо бўларди. У ўзининг бу кайфияти, руҳий ҳолати сабабларини ташқи дунёдан излашга ҳаракат қилди. Бахтга қарши, ниятига етмади. Кўнгил ором, таскин топмади. У руҳан эзилиб, дунёдан, ҳаётдан кўнгли совиди. Шунча қилаётган ҳаракатлари бесамар эканини билиб, уринганларига ачинди. Ўзни тутолмай, ичкиликка муккасидан кетди. Бироқ, бу ҳам унга наф келтирмади. Шунга уни ўзигагина хос бўлган иқтидори-иймони, Аллоҳга бўлган эътиқоди асраб қолди.

¹ Мухтор, Омон. Тўрт томон қибла: Уч романдан иборат Шарқ дафтари: (Триология). –Т.: “Шарқ”, 2000. 168-б.

Ҳақиқатни излаб, сўнгида саросимага тушиб, бу дунё ҳою-ҳаваслари, ҳашамига қўл силтаб, дунё билан хайрлашаётган Валижоннинг руҳиятида муайян силкинишлар содир бўлади. Ва у қуйидаги ҳолатни бошидан кечиради.

Дунёда тўғри ишдан хатоим,
эзгуликдан гуноҳим кўп,
адашиб-улоқиб яшаганим менга аён эди!
Бунга иқрор бўлганимча,
ниҳоят, ҳаяжондан кўзларим ёшланиб, тиловат қила бошладим;
қўйнимдаги ёндафтардан ёд бўлган дуоларни
баралла овоз чиқариб, ўқий бошладим.
Худонинг қудрати!
Устимдаги бутун занжир ўз-ўзидан чириган арқондек чирт-
чирт узилиб,
пойимга ҳалқа-ҳалқа
тўкила бошлади.
Менинг
руҳим ҳам, жисмим ҳам,
кушдек енгил эди...¹

Ниҳоят у шунча вақт талпингани, излагани-ҳақиқатга етишди. Ўзлигини англаб етди. Барча оламларнинг буюк муаллифи-Яратувчига иймон келтирди.

Асарда менинг диққатимни тортган образлар ҳаммом, иблис, Заҳҳок образлари бўлди.

Суянгани суянчиқ, топингани на бир дўст тополмаган Валижон бир сафар, икки йил ўтиб фарзанд кўриши ҳақида эшитганида ҳам руҳиятида, қалбида на бир қувонч, на бир кушойиш туймади. У шунда тўппа-тўғри масжидга равона бўлди. Ва Аллоҳга ўзига имон, инсоф тилаган ҳолда илтижолар қилди.

“-Осий бандангга ўзинг шафқат қил, Худойим! Сен Ғофур ва Раҳмонсан! Раҳимсан! Қодирсан! Ичим ёниб кетяпти! Қачонгача бу азоб?! Ортиқ чидай олмайман! Ўлиб ўлолмадим. Яшаб яшаёлмаяпман... нима қилай?! қаерга борай?! Сендан бўлак паноҳим йўқ...”

¹ Мухтор, Омон. Тўрт томон қибла: Уч романдан иборат Шарқ дафтари: (Триология). –Т.: “Шарқ”, 2000. 293-б

Шунда унга масжид мутаваллиси қуйидагича насихат қилди.

“-Тоза сувдан чиқиб, ҳаммомнинг орқа тарафига қаранг! Қанча кир оқиб ётганини кўрасиз...”¹

Асарда ҳаммом образи икки ўринда, иблис образи уч ўринда, Заҳҳок тимсоли эса уч ўринда келтирилади. Бу образлар бир-бири билан узвий боғланган. Сабаби, барча динларнинг покизаси ҳисобланган ислом динида шундай бир ҳолат келтирилади. Шайтон ва Пайғамбаримиз суҳбатларида, шайтондан уйинг қаер, деб сўраганларида, у, уйим ҳаммом, дея жавоб беради. Бундан кўриниб турибдики, ҳаммом ва иблис тушунчалари битта тушунчадир.

Айниқса, Заҳҳок ва иблис ҳақидаги ҳикоят ҳар қандай ўқувчини мушоҳадага, фикрга тортади.

“Ҳузурида юриб, ўзини ширин таомлар билан сийлаган Иблисга шох бир куни ийиб, тила тилагингни, дебди. “Менга ҳеч нарса керак эмас, -дебди Иблис. –Фақат муборак икки кифтингизни ўпиб қўймоқчиман!” Заҳҳок рози бўлибди. Иблис унинг ялонғоч елкаларидан ўпибди. Кейин, шохнинг икки елкасидан икки илон ўсиб чиқибди. Улар Заҳҳокнинг миясини кемирмоқчи бўлишар, Заҳҳок энди талвасага тушганича одамларни сўйиб, уларнинг мияси билан илонларни боқиб – тинчитар экан...”

Бу ривоятни илк дафъа эслар экан, Валижон ўзи ва ўзи қилган яхши ва ёмон амаллар ҳақида шундай хулосалар чиқарган эди.

“Менинг қоним-ҳаром қон эмасди. Бизнинг ота-оналаримиз диёнатли – покиза одамлар! Биргина муҳитни ҳам айблаб бўлмайди. Инсон ҳар қандай шароитда асраниши мумкин! Демак, кейинги тарбия... Кўп нарса, албатта, тарбияга боғлиқ! (Бекордан, пир-мурид, устоз-шогирд, дейишмайди. Дунёда қанча улуғ пирлар, буюк устозлар яшаб ўтмаган!) Биз яхши тарбия олмаганмиз, холос! Менинг аввалдан устоз борасида омадим чопмаганми, бахтим йўқми экан...”¹

Ҳа, у ўзининг шундай шўриш аҳволга тушиб қолишини тарбиядан, устоздан деб билди. Иккинчи бора у Сирож муаллимнинг изига тушиш тўғрисида ўйлаб туриб яна ўша ривоятни эслади.

“Негадир Заҳҳок ва унинг икки елкасидан икки илон ўсиб чиққани тўғрисидаги эски ҳикоят ҳаёлимда айлангани-айланган эди. Ўзимча яна, Бадалбек ерни заҳарлаган, тўғри, лекин Сирож муаллимнинг гуноҳи кўпроқ бўлиши керак, деб ўйлар эдим...”²

¹ Мухтор, Омон. Тўрт томон қибла: Уч романдан иборат Шарқ дафтари: (Триология). –Т.: “Шарқ”, 2000. 257-б

¹ Мухтор, Омон. Тўрт томон қибла: Уч романдан иборат Шарқ дафтари: (Триология). –Т.: “Шарқ”, 2000. 244-б.

² Ўша асар. 260-б.

Ва ниҳоят Валижон ўзи излагани, талпингани ҳақиқатни топди. У ҳам бўлса, инсонлар миясини ғоя билан, мафкура билан заҳарлаш-уларнинг мияси билан озиқланиш билан баробар. Сирож муаллим ҳам, айниқса, ёш авлод онгига “сенлар бош қотирма, биз учун ўйлайдиганлар бор” дея тобеликдан дарс бериши-Иблиснинг хатти-ҳаракатлари билан тенг эди.

Биз кўриб чиқмоқчи бўлганимиз трилогиянинг учинчи романи “Тепаликдаги хароба” асаридир. Бу роман бош қаҳрамони Мирза Ғолиб-тарихчи олим. Асар воқеалари Мирза Ғолибнинг бошлиғи уни ҳашарга жўнатишидан бошланади. Хотини ҳомиладор эканини айтса-да, бошлиқ узоғи билан уч кун ичида ўрнига одам юборишини айтади. Лекин, йигирма кун ўтса-да, айтилган одамдан на хабар, на дарак бор эди. Кичкинагина бир ҳаётий вазиятга ўхшаса-да, худди ана шу воқеа, унга нисбатан қилинган адолатсизлик, номардлик Мирза Ғолиб руҳини, ички дунёсини бутунлай ағдар-тўнтар қилиб юборади. Тезроқ хотинининг (Мастура) ҳолидан хабар олиш мақсади унга тинчлик бермайди. Айни шу мақсад йўлида у неча-неча азоб-уқубатларга гирифтор бўлади. Кетаётган йўлидан адашади, улоқади.

Умумлаштириш даражасига кўра бадиий образнинг қатор кўринишлари-индивидуал образ, характер, типик образ кабилар мавжуд. Бироқ, шуни айтиб ўтиш керакки, улар ўртасидаги фарқ доим ҳам кўзга яққол ташланавермайди, яъни бу тахлит бўлинишда муайян даражада шартлилик сақланиб қолади. Индивидуал образ фақат ўзигагина хос бўлган феъл-атвори, фикрлаш тарзи, дунёқараши, бетакрор характер хусусиятлари билан намоён бўладиган образ саналади. Характер деганда эса, муайян давр ва муҳит кишиларига хос энг муҳим, характерли умумий хусусиятлари билан бирга, алоҳида шахсга хос индивидуал хусусиятларни ўзида уйғун ҳолда мужассам этган образ назарда тутилади.

Адабиётшуносликда бадиий асарларда инсон образини тўлақонли акс эттириш, уни ўқувчи кўз ўнгиде конкрет жонлантириш учун хизмат қилувчи қатор адабий унсурлар мавжуд. Буларга муаллиф характеристикаси, портрет, бадиий психологизм, персонаж нутқи кабилар киради.

Юқорида таъкидлаганимиздек, Омон Мухтор романларидаги барча қаҳрамонлар-Абдулла Ҳаким, Бурҳон Шариф, Валижон, Мирза Ғолиблар барчаси инсон сифатида бутун одамлар. Шу жумладан, уларга Аллоҳ томонидан бошқа инсонларда бўлмаган айрича иқтидор берилганки, бу уларнинг бошқаларда учрамайдиган характер қирраларини, ўзига хос хусусиятларини белгилайди.

Эътибор берадиган бўлсак, ҳар учала романда ҳам “катта йўл” образи учрайди. Катта йўл асар қаҳрамонлари учун энг олий мақсад, олам ҳақиқатини англаш, руҳий

жиҳатдан тозаланиш воситаси сифатида кўринади. Айниқса, катта йўл сўнгги учинчи роман “Тепаликдаги хароба” асарида энг муҳим бўлган мақсад, ҳаётда энг зарур ҳисобланган эҳтиёж, эҳтиёж бўлганда ҳам руҳий-маънавий эҳтиёж сифатида намоён бўлади. Асар бош қаҳрамони Мирза Ғолиб ана шу катта йўлга чиқолмай, тўқайзорда сарсон-саргардон кезинади. Юз бераётган барча воқеликлар унинг онгу шуурида содир бўлади. Бу ҳол унинг жами олинган билимлари, дунёқараши, қизиқишлари билан бевосита боғлиқ ҳолдир. Боиси, асарда акс эттирилган барча тарихий воқеалар, хусусан, Исмоил Сомоний, Наср ибн Аҳмад, Абул-Ҳасан Наср каби тарихий шахслар ва улар билан боғлиқ бўлган ҳодисалар йиллар давомида Мирза Ғолиб онгида шаклланиб келган билимлар мажмуи эди. Шу жумладан, унинг адабиётга бўлган меҳри ҳам ўзгача эди. Шу боис, бутун дунёни ўз илму ҳикматлари билан ҳайратга солган буюк зотлар Лутфий, Машраб, Байронлар ҳаёти лавҳалари ҳақида асарда алоҳида тўхталиб ўтилган.

Бизга асар бош қаҳрамонининг руҳий дунёсини, унинг психологик ва маънавий қиёфасини чуқурроқ англашимизда қаҳрамоннинг буюк зотларга бўлган муносабати, улар ҳақидаги ҳулосалари асос бўлади.

Бундай фикр юритишимизга сабаб, Лутфий ҳам, Машраб ҳам, Байрон ҳам ўзлари яшаб ўтган даврдан, жамиятдан, муҳитдан кўп азиятлар чеккан, жуда кўп адолатсизликлар, ноҳақликларга учраган эдилар. Бу ҳолни биз асарни мутолаа қилганимизда яна бир қарра ҳис қиламиз. Айни пайтда, Мирза Ғолибда ҳам ўз ҳаракатларидан қониқмаслик, муҳитдан, жамият қирдикорларидан норозилик кайфияти мавжуд эканлигини англаймиз. Унинг назарида катта йўлга чиқсагина (Мирза Ғолиб) барча ўйлаган мақсадлари, орзу-ниятларини амалга ошира олади. Шу сабабдан, катта йўл у учун ва умуман, барча инсонлар учун ҳам биринчи ўринда ҳисобланган-эрк, озодлик тимсоли эди.

Асарда Мирза Ғолибнинг мақсади тезроқ, нима қилиб бўлмасин Мастуранинг (хотини) олдига етиб бориш эса-да, (аслини олганда, бу ҳаётда учраб турувчи кичик бир вазиятдан чиқиб кетиш мумкин эди) аслида унинг руҳини қийнаган, ўзи унга етиша олмагани-бошқа буюк мақсади, орзуси бор эди.

“Мирза Ғолибни ёшлиқдан, одамлар дунёда бироз бахтлироқ яшасин учун, буюк бир ишлар қилиш истаги қийнар эди! У нимадир, қандайдир чора кўриб, бу мақсадга етгиси келар эди! Ёҳу...

Мирза Ғолиб бу мақсадга эришмаган...

эришолмаган...

эришолмайдиганга ўхшар эди!

Нега?!

Унинг ҳаётида чинакам МУҲАББАТ етишмагани...

юртни,

ҳаётни,

одамларни севмоқ учун,

Оллоҳни севмоқ учун-

қонингда худбинликни қатра-қатра ўлдурмоқ,

фидойи бўлмоқ,

энг аввал-

бир жонни севмоқ керак!

Бу кимса- бир жонни севмай туриб,

юртни,

ҳаётни,

одамларни севмоқ мушкул;

айниқса, Оллоҳни севиб бўлмайди!”¹

Ушбу роман орқали Омон Мухтор адабиётимизга яна бир янгиликни тақдим этди. Бу ҳам бўлса, барча даврларнинг мавзуси ҳисобланган Ишқ, Муҳаббатни буюк шоир мавлоно Лутфийнинг битган ғазаллари, ёзишмалари асосида қайта жонлантирди. Яъни, Лутфий ҳаётидаги илоҳий ишқ билан бирга дунёвий ишқни ўзига хос тарзда бадиий талқин қилди. Бу ҳам адабиётимизда ҳали қилинмаган ишлардан бири эди. Салкам бир асрлик умри давомида мавлоно Лутфий ўз ғазалиёти билан Аллоҳга бўлган ишқни куйлаб ўтган эди. Омон Мухтор эса, уни дунёвий ишқ-Гулгун муҳаббати орқали талқин қилди.

“Тепаликдаги хароба” романида биз Лутфий ҳақида тўла-тўқис тасаввурга эга бўламиз. Боиси, адиб Лутфий портретини яхши чиза олган, унинг характер қирраларини тўла акс эттириб бера олган. Жумладан, асарда Лутфийга шундай характеристика берилган:

“Лутфийнинг умри, асосан, фақирлик, ночорликда ўтган эди! У камтарин, хоксор... “сўхта киши эрди”. Абдурахмон Жомийга илтифот кўрсатиб, бунга у жавоб қайтаролмай қисинганида, “Сизнинг эски тўнингизни гадоилиқ килурбиз!”-деб, Лутфий унинг хисватини бўйнига илган эди.

Тантилик, жўмардлик; исмига мос-лутф, унинг ғариб; содда ҳаёти соясида тоғдек юксалиб турар, Лутфий бу тоғни ҳаммага кўрсатавермаслик учунгина девонавор яшаб юргандек эди! Фақат баъзан офтоб яраклаб, қорли чўққилар беҳосдан барқ урар эди...

¹ Мухтор, Омон. Тўрт томон қибла: Уч романдан иборат Шарқ дафтари: (Триология). –Т.: “Шарқ”, 2000. 359-б

Ҳали ёш Навоий “Оразин ёпқоч...” деб бошланган бир ғазалини ўқиб берганида, Лутфий баралла: “Воллоҳ, муяссар бўлса, ўн-ўн икки минг байтимни бу ғазалга олмошардим!”- деган эди.”²

Муаллиф мавлоно Лутфийга ана шу тарзда характеристика беради. Ўқувчи тасаввурида хоксор, камтар инсон яққол гавдаланади.

XXI аср бутун дунё аҳли учун эврилишлар, янгиланишлар асри бўлди. Шу жумладан, кўп асрлик тарихга эга бўлган миллий адабиётимизда ҳам катта ўзгаришлар содир бўлди. Аср бошида анъанавий адабиёт (мумтоз адабиёт) ўрнига янгича адабий турлар, жанрлар кириб кела бошлади. Бу ҳол, албатта, тарихий давр, ижтимоий муҳит билан бевосита боғлиқ. Адабиёт-ижтимоий ҳодиса эканлиги боис ҳам, аср бошида ижтимоий ҳаётда рўй берган янгиликлар ўз-ўзидан адабиётга ҳам таъсир кўрсатмай қолмади. Жаҳидчилик, жаҳид адабиёти билан бирга драматургия соҳаси пайдо бўлган бўлса, кейинроқ эса, катта кўламга эга бўлган фикрни драмада акс эттириб бериш мумкин бўлмай қолди. Бунинг натижасида адабиётимизда роман жанри юзага келди. Бу жанрга ўзининг роман жанри талабларига анча яхши даражада жавоб бера олган “Ўткан кунлар” романи билан Абдулла Қодирий ҳақли равишда асос солди. Бироқ, социалистик тузум бошқа соҳалар каби адабиётни ҳам “гирибонидан олди”. Унга ўзининг социалистик реализм методларини сингдириб ташлади. Пировардида роман жанри бироз ўзининг мазмун-моҳиятидан узоқлашди. Шундай бўлса-да, ўша даврнинг неча-неча синовларидан ўтган Абдулла Қодирий, Абдулҳамид Чўлпон, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор романлари умрбоқий асарлар сифатида адабий жараёнда қолди ва бугунги кунимизда ҳам яшамоқда.

XX асрнинг 80-йилларига келиб роман жанри ҳам бутунлай ўзгаришларга учради, янги бадиий кашфиётлар, талқинлар пайдо бўлди. Реалистик романлар билан бир қаторда ўзига хос услубга, талқинга эга бўлган романлар пайдо бўла бошлади.

Шу жумладан, ўзининг кейинги изланишлари, ўзига хос услуби билан адабиётимизда муҳим ўрин эгаллаган Омон Мухтор романларида ҳам худди ана шу хусусиятни кўриш мумкин. Сўнгги йилларда унинг бутунлай янгича йўналишда, ўзгача оҳангларда яратган асарлари адабий жамоатчилик томонидан яхши кутиб олинмоқда.

Айниқса, “Тўрт томон қибла” трилогияси Омон Мухторнинг янги бадиий кашфиёти десак, муболаға бўлмайди. Унда инсоният тақдири, қисмат йўли замондош ҳаёли, тасаввури орқали ифодаланади. Ихчам шаклдаги романларида адиб умумбашарий мазмунни ифода этади. Омон Мухтор асарларининг бош ғояси-қулликни, мутеликни қоралаш, эркни улуғлаш, ўзликни англаш, маданий ёдгорликлар, маънавий бойликларни

² Ўша асар. 312-б

кўз қорачиғидай асраш, руҳоний поклик, иймон-эътикод, барча оламларнинг буюк муаллифи-Аллоҳга иймон келтириш сингари эзгу ғоялардир.

Ш боб. Шойим Бўтаев қиссаларида ўтиш даври кишилари руҳияти таҳлили

XX аср ўз поёнига етиб, XXI аср бошида дунё бутун инсоният тарихида мисли кўрилмаган янгиланишлар, эврилишларни бошидан кечирмоқда. Шу жумладан, бу ҳолни минг йиллар давомида шаклланиб, тараққий этиб келаётган адабиётимизда ҳам кузатиш мумкин. Айниқса, кейинги йилларда ўзбек адабиётида, хусусан, ҳозирги ўзбек прозасида жиддий ўзгаришлар содир бўлдики, бу ҳодисада ўз иқтидори, ўзига хос услуби ва овозига эга бўлган ижодкорларнинг ўрни ниҳоятда каттадир.

Шойим Бўтаев ҳам ўзбек насрида ана шундай ўзига хос услубига, бетакрор тилига эга бўлган ёзувчи экани барчамизга аён. Хусусан, унинг ҳар бир асари китобхонлар томонидан илиқ кутиб олинади, қолаверса, адабий танқидчиликда ҳам бу асарлар юзасидан баҳс-мунозаралар, таҳлиллар ўтказилиб турилади.

Асримизнинг 80-йилларидан бошлаб, Шойим Бўтаев ижодида бир қатор ҳикоялар пайдо бўла бошлади. Кейинроқ эса, у қиссаларга мурожаат қилди. Жумладан, у “Шоҳона совға”, “Шамол ўйини”, “Кунботардаги боғ”, “Эски арава”, “Муюлишдаги уй”, “Шўродан қолган одамлар” каби ўнлаб қиссалар, “Қўрғонланган ой” романининг муаллифидир.

Ҳар бир ижодкор адабиётга ўзига хос хусусиятлари, услуби билан кириб келади. Шу маънода Шойим Бўтаев ҳам ўзбек адабиётига ўз мавзуси, бетакрор қаҳрамонлари, ўзига хос “тили” билан кириб келди. Унинг ҳар бир асарини мутолаа қилар экансан, қаҳрамонларнинг руҳиятида тоғлиқларга хос беғуборлик, соддалик, беозорликни кўрасан, киши.

Бадий асарнинг сюжети, услуби, умуман олганда, ўзи ҳақида қанча гапирмайлик, бу асарларнинг қаҳрамонлари ҳақида тўхталмайдиган бўлсак, қилаётган таҳлилларимиз жонсиз чиқиб қолиши, шубҳасиз. Шу маънода Шойим Бўтаев асарларида жонли, таъсирчан образлар кўплаб учрайди.

Айниқса, Шойим Бўтаев ижодидаги ўзига хос йўналишга, услубга эга бўлган асар, сўзсиз, “Шўродан қолган одамлар” асаридир. Бу қиссада персонажлар жонли, дардли, қаҳрамонлар характер даражасига кўтарила олган. Асар сарлавҳасининг ўзиёқ китобхон руҳиятида ҳақиқатнинг асл қиёфасини кўришга, мушоҳадакорликка ундайди. Қалбида эскиликка, бирёқламаликка нисбатан нафрат уйғотади.

Шўро ҳукумати инсонларнинг қалб гавҳари-иймону эътиқодига тажовуз қилган эди. Масжиду мадрасалар бузиб ташланган, дин ҳукумат томонидан қаттиқ назорат, таъқиб остига олинган эди. Буюк қирғиз адиби Чингиз Айтматовнинг “Асрга татиғулик кун” романида инсон қиёфасини йўқотган-манқуртга айлантирилган Жўломон образи орқали биз манқуртлик, унинг фожиявий оқибатлари ҳақида тўла тасаввурга эга

бўлганмиз. “Шўродан қолган одамлар” асарида эса, Назоратчи образи орқали яна бир манқуртга айланган кимсани кўрамиз. Фақат Назоратчининг манқуртга айланиши бироз бошқача тарзда кечади. У ишга, мафкурага, бурчга онгсиз равишда, кўр-кўрона содиқлик асосида ўзлигини йўқотиб, манқуртга айланади.

Қиссада оддий ўзбек қишлоқларининг бирида юз берган кичкина бир воқеа тасвирга олинади. Бироқ, худди ана шу воқеада кенг кўламдаги фикр, бутун инсониятни қамраб олиши мумкин бўлган мазмун-моҳият очиб берилади. Ёзувчи ушбу қисса орқали асрлар бўйлаб халқимиз онгида кулликни, мутеликни шакллантирган жамият ва у етиштирган одамларнинг ҳақиқий қиёфаларини-асл башараларини руҳий таҳлил қилиб бериш орқали очиб беради.

Қисса бош қаҳрамони Назоратчи образи ғоятда чуқур бадиий таҳлил этилган. Унинг ички руҳий дунёси бутун мураккабликлари билан бирга ифода этилган. Қизиғи шундаки, қиссада ҳеч қайси бир қаҳрамоннинг исми билан айтилганини кўрмаймиз. Шу жумладан, Назоратчининг ҳам, гарчи асарнинг бир ерида унинг аввал бошқа исми бўлганлиги, уни бошқасига алмаштирганлиги ҳақида айтилса ҳам, асл исми тилга олинмайди.

“Мэлс назоратчининг исми эди.

Ўз номини эшитиб у ғалати бўлиб кетди. Бу номни ўзига йигирма ёшида, аскарликда эканлигида танлаган эди. Кейин қулоғига азон айтиб қўйилган исмини ана шу ном билан алиштириб олмоқчи бўлганини камандирларига айтганида, улар бу шоввоз аскарнинг топқирлигига, замон билан билла-билла нафас ола билишига қойил қолишиб, уни муборақбод этишганди. Уни ана шу ном билан аташиб, шу ном билан янги ҳужжат олиб беришганди. Ҳужжатни полк командирининг шахсан ўзи топширган, полкнинг барча зобиту аскарлари олдида уни табриклаб, кучоқлаб ўпганди. Одамда собит эътиқод бўлса, йигирма ёшида ҳам исмини ўзгартира олади, деганди. Кейин полк оркестри жўрлигида баталёнлар, роталар, взводлар шахдам қадамлар билан “широко страна моя родная...” деган кўшиқни айтиб ўтишган, назоратчининг қалби қувончга, кўзи ёшларга тўлиб полк командирининг қабатида турганди.”¹

Назоратчининг шўро мафкураси, совет тарбияси асосида шаклланиши асли унинг ана шу ёшлик пайтларидан бошланган эди.

Қиссада тайини йўқ бир оилада ўсган, бир-бирига жигар (ака-ука) ҳисобланган Назоратчи-ака, ука-Амакининг оилавий муносабатлари, ижтимоий мавқеи ҳикоя қилинади. Аслида ака-ука ёшлигиданок ёвлашиб ўсган эди. Уларнинг зиддиятини яна ҳам аниқроқ кўрсатиб беришда Тошмурад образининг аҳамияти катта. У ҳали шаклланиб

¹ Бўтаев Ш. Ҳаёт. Қиссалар. Т; “Шарк”, 2000, 408-б.

улгурмаган, эндигина мактабни тугатган ва аксар кишлок ёшларига хос аниқ бир йўналишни танлай олмаган ўспирин йигит. Воқеан у ўз амакисидан ёрдам сўраб боради. Худди шу вазиятда Амакининг феълидаги зикналик, торлик, хасислик, ичиқоралик, ҳасадгўйлик яққол акс этади.

“Тошмуроднинг сўррайганича қотганини кўриб:

-Нима гап?-деб сўради, шундай сўрадики, бундай сўралганда ҳеч гап йўқ, деб индамай кетавериш маъқулдай эди; амаки жаҳли чиқиб турганиданми, пухталиқ қилибми, ишқилиб, саволнинг орасига жавобниям хом-хатала қилиб узатиб юборган, шуни еб кетавер, дегандай бўлганди.

Тошмурод ёш бўлгани учун ичидагини кўрмай, чайнала-чайнала мактабни битирганини тушунтирди, маслаҳат сўради, нима қилай, деди.

Амаки беозорлик билан елка қисди:

-Билмасам, билмасам, билмасам!-деб бир сўзни уч марта такрорлаб айтди, шундай оҳиста товушда айтдики, тезроқ йўқол, йўқса, ҳозир портлатиб юбораман, дегандай бўлди.

Тошмурод ёш бўлгани учун катта портлашлар олдидаги ҳолатларни илғай олмасди, нималардир деди.

Тошмурод амакиси бу гапларни нима учун айтаётганлигини фаҳламади. Қизариб-бўзариб, унинг сўзларини базўр эшитиб турди-турди-да, хайр-маъзурниям насия қилганича жўнаворди. Йўлда кетаркан, ўзига-ўзи онт ичар, отасининг таъқиқларига қарамай яширинча келиб юрганларини эслар, ҳаммаси бир гўр экан, деб ўйлар, ана шу ҳаммаси бир гўрнинг ичида ўзиям борлиги хўрлигини келтирарди.”¹

Тошмурод алам аччиғидами ёхуд ўзи ҳам тушунмаган ҳолда амакисининг охириги қолган бузоғини ўғирлаб, қамалади. Таассуфки, бу ҳолатга кўни-кўшнилари, қариндош-уруғларнинг билдирган муносабатлари бутунлай бошқача тарзда ифода этилади.

“Кўни-кўшнилардан ҳеч қайсиси ўғрилардан негадир нафратланишмас, қайтанга уларга ичлари ачишиб оҳ-воҳ қилишар, эзилишар, гўёки ўғирлаганлар эмас, ўғирлатган айбдордек: гўёки пашшадек нарсани филдек қилиб мелисагача кўтариб борган амакидан ёзғиришарди; чунки, амаки даъвосидан воз кечса ҳам мелисалар воз кечмаслигини; чунки, мелисаларнинг воз кечмаслиги олдида бир жондор хуни ҳеч нарса эмаслигини айтишарди. Ҳеч бирининг гуноҳи йўқ, дейишарди; ҳамма гуноҳ уларни ўғирликка мажбур қилганларда, дейишарди-ю, бу мажбур қилганлар ким экан, деган саволга жўяли жавоб айтишолмасди; ҳаммасиниям назарида, у катта куч кўзга кўринмас, у қандайдир узоқда бўлиб туюлар, у ҳаммани кўриб-билиб, хол-аҳволидан хабардор бўлиши керак ҳолда ҳеч

¹ Бўтаев Ш. Ҳаёт. Қиссалар. Т; “Шарк”, 2000, 318-б.

кимни кўрмаётганлиги, ҳеч кимнинг ҳол-аҳволидан хабар олмаётганлиги одамларни ажаблантирарди, холос.”¹

Юқорида келтирилган парчадан қишлоқ одамларининг бўлиб ўтган воқеага ўзига хос муносабати орқали уларнинг ички дунёси, соддадил қишлоқ одамларининг руҳиятини ҳис қилиш мумкин. Шу билан бирга уларнинг назарида ўғирликнинг асосий сабаби давр, муҳит эканидан норози кайфияти акс этади.

Ёзувчи, айниқса, бош қаҳрамон Назоратчининг хатти-ҳаракатларини, психологиясини, унинг онгида шўро мафкураси сиёсатининг ўзгаларни мутеликка ўргатиш ғоясининг чуқур илдиз отганлигини ҳаётий, асосли далиллар келтириб исботлайди. Назоратчи деган ном ҳаммасидан кўра унга жуда ёқиб тушади. У ўзини давлатнинг энг ишонган кишиси деб билади. Оилавий муносабатлар, рўзғор ташвишлари унинг учун майда-чуйда нарсалар ҳисобланади.

Инсон зоти борки, унинг қалбида ҳаётда яхши яшаб ўтиш истаги, орзуси бўлиши, табиий. Қисса қаҳрамони Назоратчининг эса, қалби сўқир, орзу қилишдан-да ожиз, тўғрироғи маҳрум. У содиқлик, бурч кишиси. Бежизга эмаски, асарда Суннат ўғри унга қуйидагича таърифни беради:

“-Тўғри одамсиз, начайник, тўғри одамсиз!-деб қўйди, ўзича меҳрибонлик кўрсатаётгандек бўлиб давом этди. –Сизни битта йўлга солиб қўйишса ҳеч чиқмай кетаверасиз. Трамвайни кўрганмисиз?

Назоратчи Суннат ўғри нима учун трамвайни сўраётганининг сабабини ағнимайди. Мақтангиси келиб қолди:

-Кўрганман... Масковда!

-О-ҳо!-Суннат ўғри қойил, дегандек бош чайқади.-Масковгайм борган экансиз-да?

Назоратчи сохта камтарлик билан:

-Борганмиз,-деб қўйди.

-Борган бўлсангиз, кўрган бўлсангиз, сиз ҳам ўша трамвайнинг ўзисиз! Бита йўлдан бориб келаверасиз!

Назоратчи бу қиёслашдан хафа бўлишни ҳам, хурсанд бўлишни ҳам билмади: кейин ўйлаб туриб, мени Масковдаги трамвайга ўхшатыпти-я, ҳазилми, дея вақти хуш бўлди.”¹

Назоратчининг онги шунчалик даражада қотиб кетган-қотирилган эдики, унга ўғли Тошмуродни уйига олиб бориб келиш (конвойлик) вазифаси топширилганда, ҳаммаси

¹ Бўтаев Ш. Ҳаёт. Қиссалар. Т; “Шарк”, 2000, 323-б.

¹ Бўтаев Ш. Ҳаёт. Қиссалар. Т; “Шарк”, 2000, 393-б.

қоида бўйича кетмаётганини ўйлаб, ҳаттоки, Тошмуродга ота эканлигини ҳам унутиб, камоқхона бошлиғидан тўппонча сўрайди.

“-Тўппонча йўқ-ку?-назоратчи белидаги бўш ғилофнинг устига шапатилаб уриб қўйди.

-Э-э, ким билиб ўтирибди ғилофда тўппонча йўқлигини? Сиз, бор денг. Ўзингизни шундай кўрсатинг...

-Қочиб кетмоқчи бўлсачи?

-Ана-а, холос!-бошлиқ бармоғинин пешонасига нуқиб, пармалади. -Қочмоқчи бўлса отармидингиз?

-Энди-и...

-Э, ўлманг! Қочса, аҳволи чатоқ бўлишини сизу биздан яхши билади.”¹

Қиссадаги яна бир вазият, яни уч ўспиринларнинг суди бошланиши олдидан бўлиб ўтган суҳбат орқали биз ўтиш даври ва унинг инсонлар онгида қолдирган асоратлари, таъсири ҳақида билиб оламиз.

“Уч ўспириннинг ортидан борганлар-қавму қариндошлари, ҳамқишлоқлари йўл четидаги кекса чинор остида давра қуриб ўтиришарди. Учта аёл, етти нафар эркак кун иссиқлигига қарамай, қалин кийиниб олишган, бу тарзлари билан худди кишин-ёзин киядиган бор-йўқ кийимимиз шу-да, деяётгандек бўлишарди. Улар ундан-бундан бир-бирларига гал бермай шаққиллашиб гаплашишарди. Нарх-наво, чой-қанд, ўтин-чўп, совун-гугурт ҳақида паст-баланд фикрларни билдириб ўтишарди. Бу фикрларга тузукрок қулоқ тутилса, шу нарса аён бўлардики, дурри-жавохир ўрнидаги бу нимарсаларни ишлатиш, истеъмол қилиш азал-азалдан уларнинг зиммасига тушган экан, ҳозир ҳардамхаёлроқ бўлиб қолган қайсидир нобакорнинг вазифаси эса етказиб бериш экан. Ўша нобакордан домангир бўлишмоқдайди, нега деганда, у ўз вазифасини уддалай олмаётган экан.”²

Айни шу келтирилган парчадан советлар даврида, яъни тўғрироғи ҳамма иттифок таркибига кирувчи давлатлар, шу жумладан Ўзбекистон ҳам ўз мустақиллигини қўлга киритмай аввал, иттифокчи республикаларнинг ўз вазифалари “марказ” дан белгилаб қўйилган эди. Ўзбекларнинг ҳам бажарувчи ўз вазифаси бор эди, шубҳасиз. Бизнинг вазифамиз маҳсулотларни тайёр ҳолда қабул қилиб олиш ва “боғини суриштирмай” истеъмол қилиш эди. Марказ-Москва эса, биздан хом-ашё, пахта, тола, олтин, нефть каби бойликларимизни хўжаларча ташиб чиқиб кетишни биларди, холос. Халқ ҳам ана шу боқимандалик кайфиятига ўрганган, кўниккан, маҳкум этилган эди.

¹ Бўтаев Ш. Ҳаёт. Қиссалар. Т; “Шарк”, 2000, 417-б.

² Ўша асар. 345-б.

Судга шунингдек, учала ўспириннинг ўқитувчиси ҳам келади. Айни пайтда у бу таклифдан ҳам хурсанд, ҳам хавотирга тушган эди. Ақалли бирор марта эсга олинмаган, йўқланмаган ўқитувчининг тўсатдан эсга олиниши, бир жиҳатдан, уни одам ўрнида кўришганидан хурсанд бўлса, фахрланса, бошқа томондан хавотирга солган эди.

“Ўқитувчи эса, ҳамма гуноҳ ўзида эканлигини билиб турганча, қунишиб, пинжини қисарди.

Бечорага қийин, деб ўйлашарди у ҳақда, ўн йил ўқитган, тарбиялаган болалари шу ишларни қилиб ўтиришса уялади-да!

Тукқан-туғдирганлари, қавму қариндошлари, қони бирлари уялишмаса-да негадир ўқитувчи уялиши керак эди-ажаб!

Малимлар ҳам нонемас-да!-деб ўйлади ўғлининг ортидан келган семиз аёл. Ҳарж қилишдан қўрқиб, ўзини четга олиб ўтирипти. Рангини қарасанг, кесакдай. Ўзи бу калтакесакни ким чақиртирди экан, нимаям қилиб берарди у? Биров гапини бир тинга олмаса, қишлоқда бригадчалик, ҳисобчичалик обрўси бўлмаса-судда нима каромат кўрсатарди? Чўнтагида уч-тўрт танга пули бўлганда ҳам баҳарнав эди. Хотини Аҳмад девонанинг уйига ёғ сўраб чиқибди-ўл қўй-да, бу кунингдан!

Семиз аёл фаросатсизлиги туфайли қамалиб кетган эридан унча-мунча туртки еб турарди; энди туртадиган одами бўлмагани учун баттар аҳмоқлашган эди. Бу тарзи билан у дунё алломаларининг хотинлар ҳақидаги оз-моз учраб турадиган ношоён сўзларини ҳар замон-ҳар замонда тасдиқлаб тургандай эди. Масалан, Лев Толстойнинг “Ҳожимурод” қиссаси унинг етти ухлаб тушигаям кирмаган бўлса-да, ёзувчининг бу асарда келтирган “тухумда қанча тук бўлса, аёлда шунча ақл бўлади” деган иборасини тасдиқлагандек деди:

Малим ҳам кучукдай гап-да! Эрта-ю кеч вов-вов этади-ю, олдида ташлангани битта куруқ суяк. Шу иш учун неччи йиллаб катта шаҳарларга бориб ўкиб ҳам келишади, ҳайф!

Эркаклар бош ирғаб, аёлни маъқуллашади.

Аён бўлдики, буюк алломалар ношоён сўзларини икки жинсни ажратиб ўтирмай, барчасига тегишли, деб кетаверсалар ҳам бўлар экан.¹”

Келтирилган парчадан шундай хулоса чиқаришимиз мумкинки, ўтиш даври одамларга ҳар турли таъсир этган. Баъзи кишилар оч-юпун бўлсалар ҳам, ўз эътиқодларидан кечмаган, баъзилар эса, шу жумладан, “фаросатсиз семиз аёл” сингари фикрловчи, дунёдаги ҳамма нарсаларни “танга” билан ўлчовчи, иймонсиз, диёнатсиз иккиюзламачилар ҳам йирингга тўлган ярадек маддалаб кетган эди. Инсонларнинг кунлик

¹ Бўтаев Ш. Ҳаёт. Қиссалар. Т; “Шарк”, 2000, 347-б.

ташвишдан, майда-чуйда нарсалар ҳақида ўйлашдан бошқа маънилироқ ишлари қолмаган эди.

“Шўродан қолган одамлар” қиссасида ёзувчи Ака, Ука, камоқхона бошлиғи, семиз аёл сингари калбида иймон нури бўлмаган кимсалар қиёфасини ичидан ва сиртидан ёритиб, бу хилдаги кишиларнинг маънавий ҳаётимизга етказётган зарарини рўйи-рост очиб берган. Қиссадаги воқеалар кечагина, яқин ўтмишимизда содир бўлган. Шу сабабдан, китобхон асар қаҳрамонларининг фожиалари, изтиробларини чуқур ҳис қилади.

Асар қаҳрамонлари ўзлигини унутган, иймони заифлашган, эътиқоди сустлашган кимсалардир. Ёзувчи бу тахлит кишиларнинг аянчли қиёфасини очиб беришга катта маҳорат сарф этган. Жумладан, адабиётшунос олим А.Расулов бу ҳақда шундай ёзган эди: “Шойим Бўтаев шўро одамларини, кечаги кунни чуқурроқ ўргана борди, руҳий-маънавий таназзул сирларини аниқлашга интилди. Имон-эътиқод, файз-тароват, мурод-мақсадлилиқ калби уйғоқ, таваллуд топган кўнгиллардагина бўлар экан. Шўро мафкураси, сиёсати инсонийликнинг жон томири-Яратганни таниган, Унга талпинган, ундангина кўрққан кўнгилларга тажовуз қилди. Масжиду мадрасалар бузиб ташланди, яроқсиз ҳолга келтирилди; имому уламолар, аҳли илм маҳв этилди. Минглаб қишлоқлардан, кенту шаҳарлардан имон кўтарилиб, файз кета бошлади. “Шўродан қолган одамлар” қиссасида мана шундай қишлоқлардан бири тасвирланган”.¹

Дарҳақиқат, ёзувчи тасвирлаган ҳаёт ҳақиқати шуки, салкам бир аср ҳукмронлик қилган шўро мафкураси иймонсиз, диёнатсиз, виждонсиз, онгсиз манқуртларга айланган кимсаларнинг кўпайишига хизмат қилган. Шойим Бўтаев ўз қиссаларида кечаги кунимизнинг бу каби қалбсиз кишиларининг асл башараларини қиёмига етказиб очиб берган.

Жамият ҳаётида содир бўладиган иқтисодий ўзгаришлар инсонлар турмуш тарзига, дунёқарашига, онг ва тафаккурига у ёки бу даражада таъсир кўрсатиши, табиий. Адабиёт-инсоншунослик соҳаси сифатида унинг ҳаётида рўй бераётган ҳар қандай ўзгаришларни реал акс эттириши билан қимматлидир.

Шойим Бўтаевнинг ўзига хос, жиддий асарларидан бири “Шоҳона совға” қиссасидир.

Қисса бутун умр ўз эътиқоди, дунёқараши билан яшаган, ҳалоллиги билан мактаниб келган одамнинг умри поёнида ўз эътиқодларининг барчаси сароб эканлигини пайқаб қолиши, буни ўз онгида кечириши билан боғлиқ ҳолатлар тасвирини ўз ичига олади.

¹ Расулов.А.Таваллуд топаётган кўнгил муждалари. Шойим Бўтаевнинг “Ҳаёт” китобига ёзилган сўнгги сўз.- Т.: Шарқ, 2000. –442-бет.

Бош қаҳрамон-“собик вазир”, ёлғизланиб, ўз қобиғига ўралиб қолган, фақат ўз эътиқодларини энг тўғри эканини ўз-ўзига таъкидлаб юривчи шахс. Унда қишлоғига қайтиш фикри туғилиши билан асарга тугун қўйилади.

Фикримча, тарозининг бир палласида собик вазир ва унинг эътиқодлари турса, иккинчи паллада унинг фарзандлари, тоғаси, қишлоқ одамлари, собик ҳамкасбларининг унга нисбатан бўлган муносабатлари туради. Айнан шу зиддият асар қаҳрамонларининг характерини очишда муҳим аҳамият касб этади. Қизиғи шундаки, биз санаган барча қаҳрамонларнинг руҳиятида, дунёқарашида, фикрлаш тарзида ўзгачалик, тафовутлар мавжуд. Уларнинг собик вазир ҳақида ҳам ўзларининг ҳақиқатлари бор. Шундай бўлса-да, ёзувчи ҳам тарафкаш эмас. У унинг ҳақиқати тўғри, бунинг фикри чин, деган хулосани айтмайди. Ҳаммасини ўз ҳолича ўртага ташлайди. Худди шу нарса асарнинг полифоник қурилишини таъминлайди.

Собик вазир ёлғиз эди ёхуд ёлғизланган эди. Унинг фарзандлари, айниқса, ўғлидан умидлари катта эди. Уни ўқитди, ўқитолмади, ишга жойлади, ишлатолмади. Охири, “қандайдир палон доллар, пистон маркалар” ҳақида гапирадиган бўлди.

Қишлоққа бутунлай кетишини эшитган собик вазирнинг қизи акасига: “Қишлоқда бирор нарса бўлиб қолса-чи?”-дея, “бирор нарса” ҳақида худди мушукнинг ўлими ҳақида сўз кетаётгандек, -Хотя қоғозларга қўл қўйдириб олиш керак”-дейди. Асардан олинган бу иқтибосдан ака-сингилнинг “собик вазир”-отасига нисбатан муносабати, асл мақсадлари қандай эканлигини англаш мушкул эмас.

Собик вазир ҳақида жияни Қобилнинг ҳам, боғдаги қўшни аёл Гавҳарнинг ҳам ўз фикри-муносабати аниқ. Қобил собик вазирнинг вазир бўлиб ишлаганида унга ҳеч қандай нафи тегмаганидан зада. Гавҳар эса, энди боғда эмин-эркин ҳаракат қила олмаётганидан, уни доимо бир жуфт кўз таъқиб этаётганидан куюди ва бу ҳолатни ўзича бартараф этишга ҳаракат қила бошлайди.

Назаримда, қиссада собик вазирга ҳаммадан кўра тоғасининг муносабати бошқачароқ ифода этилади. Бошда тоға “келдингми?”, “барибир келардинг-да?”, “осмонга устун бўлолганинг йўқ-ку?” қабилида уни кутиб олади. Кейинроқ эса, ҳасса ҳақидаги қишлоқ одамларининг гап-сўзлари уни сергаклантиради. Ва Қобилга собик вазирдан (жияни) доим хабардор бўлиб туришни тайинлайди. Хўш, унинг асл мақсади нима эди? Бир қараганда унинг нима мақсадда бу ҳаракатларни қилаётгани мавҳумдек туюлади. Асарни диққат билан ўқиганимизда бу “ажабтовур совға”да бир гап борлигини, унда, албатта, бойлик яширинганини тоға олдиндан сезиб қолганини тушуниб етамиз. Инсонларнинг фақат ботинида юз берадиган ташқарига зухур қилмайдиган ички бир ҳаракат мантиғи борлигига амин бўламиз. Тоға ҳам инсонларда учрайдиган камчилик-

бойликка муносабат, ҳар нарсани пулга чақиш ва азбаройи худбинлигидан нафсга йўл бериш, манфаатлардан чиқа олмаслик сингари нуқсонлардан ҳоли эмас.

Шу ўринда тоға билан вазирнинг ҳасса тўғрисидаги диалоги характерлидир:

-Қариганингизда бирор кунингизга ярар дедими? (тоғанинг саволи,-К.Ш)

-Ҳа

Тоға ўйланиб қолди.

-Бир кўрай-чи?

Тоға ҳассасини уёқ-буёғини айлантириб кўрди, кўли билан сийпалади, қайтиб берди.

Ҳасса ҳақида бошқа гап бўлмади.

Асар хотимаси Гавҳар билан собиқ вазирнинг тўқнашуви, “совға сири”нинг очилиши билан якунланади.

Вазирнинг жони узилганини билган Гавҳар шошиб қолади. Марҳумнинг энгагини билганича боғлайди. Унинг кўзларини юмиш кераклигини ўйлаб, очиқ қолган кўзларига қарайди-ю, кўркиб кетади.

Худди мана шу нуқта асарнинг энг кульминацион нуқтаси сифатида китобхонни яна ҳам чуқурроқ мушоҳадага чорлаши билан аҳамиятлидир. Чунки, марҳум вазирнинг кўзида бир вақтнинг ўзида “таажжуб, афсус, кўрқув... милён туйғулардан чатишган ифодалар даҳшатли тарзда қотиб қолган эди”.

Инсон руҳи англаб бўлмас даражадаги сир-синоатларга тўла. Айниқса, вазирнинг ўлими олдидан тушган ҳолати жуда ҳам мавҳумотлидир. Қолаверса, ёзувчининг маҳоратига тан бериш керакки, у инсонларнинг умридаги бир лаҳзалик ўзгаришни, руҳидаги, кўнглидаги эътирофларини ўқувчига ана шу йўсин англата олган.

Вазир ўлиmidан икки кун ўтиб келган фарзандлари қабр устида ҳассанинг бўлақларга ажраб, сочилиб ётганидан ажабланиб, ўзларида жирканиш ҳиссини туядилар. Бироқ, улар гап нимада эканини англаб етмайдилар.

Қиссадаги худди ана шу ечимдан кейинги хулоса шундай бўлиши мумкинки, қишлоқ одамлари ҳам, тоға ҳам ҳассада “бир гап бор”лигини англаганлар. Вазир эса одамларнинг унга бўлган муносабатини тамомила бошқача тушуниб, ҳассани азиз қилган менман, менинг ҳалоллигим деган хулосада юради. Афсуски, асар сўнггида у иш қаёққа кетганини, гап нимада эканини ўлаётиб, сезиб қолади. Бу эса, ёзувчининг иқтидори билан, ҳеч қандай сўзларсиз, қаҳрамоннинг кўзларида ифода этилади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, мазкур қиссада ҳалоллик ва ҳаром-ҳариш, эзгулик ва ёвузлик туйғулари ўзига хос тарзда тасвирланади. Қиссада бугунги куннинг маънавий-руҳий муҳити, бугунги кун фалсафаси ҳаётий мисоллар орқали очиб берилади.

ХУЛОСА

Мустақиллик даври ўзбек адабиёти ўзига хос анъаналар, бадиий мезонлар асосида шаклланди. Ҳозирги ўзбек насри равнақида жиддий ўсиш-ўзгаришлар юз берди. Жаҳон адабиётига хос илғор ижодий анъаналарни реалистик йўсинда тасвирловчи, бадиий тадқиқ этувчи асарлар билан бир қаторда янгича талқин услуби ва янги шаклий изланишлар юзага келди. Адабиётимизда хилма-хил фалсафий заминга асосланган адабий-ижодий тамойиллар пайдо бўлди. Уларнинг илдизлари 80-90 йиллар адабиётига, ўша давр ҳаётига боғланади. Аниқроқ қилиб айтганда, ўз мафкурасини одамлар онига сингдириб, “михлаб ташлаган” жамиятнинг яроқсизлиги, таназзули оқибатлари, фожиалари миллий адабиётимизда ҳам хилма-хил инсонлар тақдири орқали очиб берилди. 80-йиллар охири, 90-йиллар бошларидаги жамиятда юз берган иқтисодий, ижтимоий ўзгаришлар, табиийки, инсонлар ҳаётига таъсир этмай қолмади. Шу сабабдан, ўша давр муҳити адабиётда янгича инсон образини яратилиши учун замин ҳозирлади.

Айрим танқидчиларнинг бугунги адабиётимизда тенденцияга айланиб бораётган абсурд асарлар ёки абсурд адабиётига хос талқинлар ҳозирги ўзбек насрида ҳам кўзга ташланмоқда, деган бироз субъективроқ бўлган қарашларга унчалик қўшила олмаймиз. Лекин шуни таъкидлаш жоизки, кейинги йилларда ёш олимлар, ёш ижодкорлар орасида абсурд адабиётига, хусусан, абсурднинг отаси ҳисобланган А.Камю, Ф.Кафка сингари XX асрнинг буюк адиблари ижодига қизиқиш ниҳоят даражада кучайди, абсурд адабиётининг айрим намуналари ўзбек тилига айна шу авлод вакиллари томонидан таржима қилинди. Аммо, ҳозирги ўзбек насридаги барча асарларни бирдай, мажбуран абсурд бор ёки йўқ, дея ажратиш, уларни фақатгина ғарб таъсирига боғлаш, бу ҳолни фақат тақлиддангина иборат, дейиш, тўғри эмас. Шунинг учун адабиётдаги ҳар қандай ҳодисанинг моҳиятини, сабабини ташқи омиллардан эмас, балки ўзимиз яшаб турганимиз, она заминнинг ўзидан, реал воқеликдан излаш зарур.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, ўтиш даврида жамият ҳаётида содир бўлган муайян иқтисодий, ижтимоий ўзгаришлар жамият аъзолари-инсонларга турли тарзларда ўз таъсирини кўрсатди. Ушбу магистрлик диссертациясининг асосий мақсади ҳам худди ана шу ҳолатни, яъни ўтиш даврида инсонлар руҳиятига таъсир этган омилларнинг адабиётда, хусусан, ҳозирги ўзбек насрида қай йўсинда ифода этилганини аниқлаш, тавсифлаш, муайян асарлар мисолида таҳлил қилиш эди.

Ўйлаймизки, бу мақсадимизга, гарчанд икки-уч асарлар доирасида бўлса-да, қайсидир маънода кўзлаган мақсадимизга эришдик.

Хусусан, биз ишнинг биринчи бобида ўзбек адабиётига ўзининг бир қатор бадиий жиҳатдан ҳам, ғоявий жиҳатдан ҳам юксак баҳога муносиб бўлган асарлари билан бизга

маълум бўлган ёзувчи Ўткир Ҳошимов ва унинг “Тушда кечган умрлар” романига муурожаат қилиб, асардаги қаҳрамонлар руҳиятларини таҳлилу тадқиқ қилдик.

Иккинчи бобда эса, ўзбек адабиётига бутунлай янгича услуб ва талқинни олиб кирган, аниқроқ қилиб айтганда, адабиётимизга абсурд туйғуси ва ғоясини ўзига хос тарзда талқин қилган ижодкор Омон Мухтор асарлари, жумладан, унинг анча баҳс-мунозараларга сабаб бўлган (албатта, яхши маънодаги) “Тўрт томон қибла” трилогиясига тўхталиб ўтдик. Ундаги абсурд воқелик, кайфиятнинг қай тарзда ифодаланишини кўрсатиб беришга ҳаракат қилдик.

Ишнинг учинчи бобида эса ёш авлодга мансуб бўлса-да, адабиётимизда ўзига хос овозга, фикрга эга бўлган ёзувчи Шойим Бўтаев ва унинг бир неча қиссаларини таҳлилга тортдик.

Воқеа-ҳодисаларга салбий муносабат, инкор руҳининг кучлилиги, ҳодисанинг даҳшатли манзарасини кескин, қабарик тарзда чизиб бериш, ҳодиса моҳиятини бор зиддиятлари, қаҳрамон руҳиятини бутун мураккабликлари билан ўқувчига ҳис қилдириш истиқлол даври ўзбек насрига хос хусусиятга айланди. Шунингдек, шахс табиатининг айрим жиҳатларинигина акс эттирувчи асарлар билан бир қаторда, инсон руҳияти, борлиғига хос умумий характер-хусусиятлардан алоҳида чизгиларга ўтувчи тасвир услубини намоён қилувчи йўналиш инсон руҳиятининг кенг олам экани, унинг ҳеч қандай қолипу андозаларга сиғмайдиган, чексиз, турфа ҳолатларини бадиий жиҳатдан инкишоф этишга уриниш сингари яратилган бадиий асарлар ҳақиқатдан ҳам анъанавий реализм қолипларини ёриб чиқиб, адабиётда янги бадиий ҳодисаларга айланмоқда.

Хусусан, ушбу магистрлик диссертацияси юқорида санаб ўтилган хусусиятларга эга бўлган ҳозирги ўзбек насридаги бир қатор насрий асарларни бадиий таҳлилу тадқиқ қилиш орқали жорийланди.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, магистрлик диссертациясининг мавзуси кенг бўлиб, яна ҳам каттароқ даражадаги илмий ёндашувни талаб этади. Шу маънода бажарилган ишни катта илмий изланишлар олдигаги бир уриниш эканлигини таъкидлаш жоиз. Насиб этса, ишни номзодлик иши сифатида давом эттириш мақсадидамиз.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I

1. Каримов И.А. Маънавий юксалиш йўлида.-Т.:Ўзбекистон, 1998
2. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий истиқболларининг асосий тамойиллари. Халқ сўзи,-1995,-24 февр.
3. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар.-Т.: Ўзбекистон, 2000.

II

1. Адабиёт назарияси: 2 жилдлик / академик М.Нурмуҳаммедов таҳрири остида.-Т.: Фан, 1978-1979.
2. Кант И. Философия. М., Наука, 1965 г.
3. Каримова В. Ижтимоий психология асослари.-Т.,-1994.
4. Норматов У. Умидбахш тамойиллар.-Т.: Маънавият, 2000.
5. Норматов У. Насримиз уфқлари.-Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1974.
6. Раҳмонов Б. Ўзбек адабий танқидчилиги.-Т.: Янги аср авлоди, 2002.
7. Расулов А. Танқидчилик уфқлари. Адабий танқидий мақолалар.- Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1985.
8. Султонов И. Адабиёт назарияси.-Т.: Ўқитувчи, 1980.
9. Шарафиддинов О. Ижодни англаш бахти. –Т.: Шарқ, 2004.
10. Қуронов Д. Адабиётшуносликка кириш. Андижон, Ҳаёт, 2002.
11. Қуронов Д. “Адабиёт надир” ёки Чўлпоннинг мангу саволи.-Т.: Зарқалам, 2006.
12. Қуронов Д. Чўлпон насри поэтикаси.-Т.: Шарқ, 2004.
13. Ҳамдамов У. Бадиий тафаккур тадрижи. –Т.: Янги аср авлоди, 2002.

III

1. Авазова О. Психологик таҳлил қирралари. Ўзбек тили ва адабиёти.-1981.-№1.-Б.61-62.
2. Болтабоев Ҳ. XX аср ўзбек адабиётшунослиги, Шарқ юлдузи, 1995, 11-сон.
3. Бўтаев Ш. Ёшлар насри ўз йўлидан боради. Ўзбек адабиёти ва санъати.-2000.-4 авг.

4. Дўстмуҳаммад Х. Ҳаракатдан тўхтаган жараён қиссаси. Ёҳуд қалб ва шуурнинг олис кенгликлари сафарига элтувчи асар Жаҳон адабиёти.-2004.-№2.-Б.200-206.
5. Мухтор О. Кўнгил эҳтиёжи. Сўнгги йиллар ўзбек адабиётидаги янги насрий асарлар ҳақида. Тошкент оқшоми.-1996.-11 март.
6. Мухтор О. Ҳар кимнинг ўз замин, ўз осмони бор... (Адибнинг Аҳмад Отабой билан суҳбати), Тўрт томон қибла.-Т.: Шарқ, 2000.
7. Норматов У. Бугунги насримиз тамойиллари. Жаҳон адабиёти.-1997.-№3.-Б.157-166.
8. Қуронов Д. Бадиият сирлари, «Тафаккур», 1998 йил, 1-сон.

IV

1. Бўтаев Ш. Ҳаёт. Қиссалар.-Т.: Шарқ, 2000.
2. Бўтаев Ш. Кунботардаги боғ.-Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1997
3. Мухтор, Омон. Тўрт томон қибла: Уч романдан иборат Шарқ дафтари: (Трилогия). –Т.: Шарқ, 2000.
4. Ҳошимов Ў. Сайланма: 2 жилдлик. 1-ж.-Т.: Шарқ, 1998.